O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT * XALQ ZIYOLILARI GAZETASI * معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan | 2003-yil 19-mart, chorshanba | № 22 (7527)

Da'vat

Mardlik bilak kuchida va shamshir o'ynatish san'atida emas, mardlik o'zini tuta bilishda va adolatli bo'lishdadir.

SA'DIY

Ibrat

Sariosiyo tumani XTB qoshida tashkil etilgan «Ziyo» jamg'armasi fan olimpiadalari ikkinchi bosqichida g'olib chiqqan o'quvchilardan uch nafarini 120 ming so'mdan pul mukofoti bilan taqdirladi. G'olib o'quvchilar o'quv yili davomida oyiga 20000 so'mdan stipendiya ham oladigan bo'ldi.

ҚАЛБДАГИ ЭВРИЛИШ БОШЛАНГАН ЖАЙДА ЎЗ!

2-бетга қаранг

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент жаноблари

Ушбу тарихий дамларда террорчиликка қарши дунёвий урушда кўрсатган ёрдамингиз учун Сизга ва ҳукуматингизга Америка халқининг миннатдорлигини изҳор этмоқчиман. АҚШ ва коалиция кучларига қарши-Хонобод ҳарбий-ҳаво базасидан фойдаланиш учун рухсат бериш борасидаги дадил қароringиз Афғонистонда муваффақият қозонишимизда катта омил бўлди. Биз ўз ҳамкорларимизни ҳеч қачон унутмаймиз.

Бугун биз яна бир таҳдидга дуч келмоқдамиз: бу — Саддам Хусайннинг жаҳон ҳамжамияти иродасига қарши чиқаётгани билан боғлиқдир.

Сиз яхши биласизки, лидер бўлиш таҳдидлардан чўчимасликни, жасоратни талаб қилади. Бугунги янги асрда дунё оммавий қирғин қуроллари, террорчилик иллати ва террорчиликка ҳомийлик қилаётган, қўллаб-қувватлаётган давлатлардан иборат ниҳоятда хавфли таҳдидга дуч келмоқда. Ҳеч бир халқ ва мамлакат бундай душманга қарши ёлғиз ўзи курашолмайди; бу борада зафар қозониш кенг халқаро ҳамкорликни талаб қилади.

Менинг ишончим ва қатъий қарорим шундай.

Бу саъй-ҳаракатларда Ўзбекистоннинг ҳиссаси катта. Бунинг учун мен беҳад миннатдорман.

Эҳтиром билан,
Жорж БУШ,
АҚШ Президенти

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

МЕТОДИКА ВА ТЕХНОЛОГИЯ БИР-БИРИДАН ҚАНДАЙ ФАРҚЛАНАДИ?
2-бет

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ЖОЗИБАСИ ЎЗГАЧА
3-бет

БОЛАНИНГ АСАБИНИ АСРАНГ!
4-бет

ҚАҲРАМОН ҚАЛБИДАГИ ЭВРИЛИШЛАР
5-бет

Aks-sado
"ОЛМАЙДИГАН" ДОМЛА
"ОЛАДИГАН" ҲАМКАСБИДАН КЎРА ОБРЎ-ЭЪТИБОРЛИДИР
6-бет

ОНА КЎНГЛИ БЕКОРГА БЕЗОВТАЛАНМАЙДИ
6-бет

ПУЛИ КЎП "АЙБДОР"
(Hajviya)
8-бет

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

YANGI ELCHI

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoniga binoan Isan Murtazaevich Mustafoev O'zbekiston Respublikasining Germaniya Federativ Respublikasidagi Favqulodda va Muxtor elchisi etib tayinlandi va unga Favqulodda va Muxtor Elchi diplomatik martabasi berildi.

XALQARO SEMENAR

Yevropada Xavfsizlik va Hamkorlik Tashkiloti (EXHT)ning shu yil 20-23 may kunlari Pragada bo'lib o'tadigan 11- Iqtisodiy anjumaniga tayyorgarlik doirasida Toshkentdagi "Interkontinental" mehmonxonasida EXHTning giyohvand moddalar noqonuniy savdosining milliy va xalqaro miqyosdagi iqtisodiy oqibatlariga bag'ishlangan xalqaro seminarda 120 dan ortiq mamlakat vakillari ishtirok etishib, unda mavzu bilan bog'liq ko'pgina dolzarb masalalar muhokama etildi.

INSON XAVFSIZLIGI YO'LIDA

Favqulodda vaziyatlar vazirligida bo'lib o'tgan yig'ilishda O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2003 yil 7 martda qabul qilgan "Toshqin va sel oqimlari, ko'chki hodisalarining oldini olish va ularning oqibatlarini tugatishga oid kechiktirib bo'lmaydigan chora-tadbirlar tug'risida"gi qarori ijrosi bo'yicha shu kungacha amalga oshirilgan ishlar natijasi ko'rib chiqilib, bu boradagi mavjud kamchiliklarni bartaraf etish lozimligi ta'kidlandi, deya xabar beradi O'zA.

2-betga qarang

Tashabbusning qanoti

МАКТАБ КУТУБХОНАСИГА — 1200 ТА ЯНГИ АДАБИЁТ

Қадим-қадимдан ўз эртасига, келажагига умидли нигоҳ тиккан юрт, миллат ёки оила борки, энг аввало фарзанди қўлига ҳикматлар калити — китоб тутқазишади.

Куни кеча боболаримизнинг ибратли, ана шундай хайрли анъаналарига ҳамоҳанг тарзда пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 273-мактаб-лицейида китоб марафони бўлиб ўтди. Эътиборлиси, мазкур хайрли тадбирда нафақат ўқувчилар, уларнинг ота-оналари, балки мактаб атрофидаги маҳаллалар, жамоат ташкилотлари ҳамда нашриётлар вакиллари ҳам фаол иштирок этишди.

—Сир эмаски, — дейди биз билан суҳбатда туман ХТБнинг кутубхона ишлари бўйича услубчиси Сурия Хусниддинова, — бугунги кунда ёшлардаги китобга бўлган эҳтиёж бироз сусайгандек. Тўғри, бу муаммонинг юзага қалқишида турли объектив ва субъектив сабаблар ҳам мавжуд. Бироқ, масалани ўз вақтида тўғри ҳал этиш мақсадида жойларда ўтказилаётган китоб марафонларининг аҳамияти катта.

(Давоми 3-бетда)

Mahalla pedagogikasi

ТАДБИРКОРЛИКМИ ЁХУД...

Фикри теран, соғлом халқ бировга қарам бўлмасдан эртанги куни учун ижтимоий соҳани ривожланишнинг янги босқичига кўтаради. Бу четдан келтирилган сифатсиз ва қиммат товарлар ҳисобига эмас, балки ўз ички имкониятларидан фойдаланган ҳолда, ўзи ишлаб чиққан товарларни тўғридан-тўғри халққа етказишдир. Олиб-сотарлик бундай жамиятда иллат ҳисобланади.

Афсуски, айрим ёшларни тез топиладиган пул кетидан қувиш ҳирси тинчлантирмаяпти. Ачинарли томони шундаки, айрим болалар ўрта мактабни битирмасдан, савдо-тижорат ишларига ўзларини уришмоқда.

Уларнинг тарбияси билан ким шуғулланиши керак? Ана шу муаммоларни ҳал қилмасак, эртага уларнинг тақдири нима бўлади? Бундан ташқари, маҳаллаларда ва аҳоли ўртасида ёшларни фойдали меҳнатга, тўгаракларга жалб этиш кераклиги тўғрисидаги тарғибот ва ташвиқот ишлари яхши олиб борилмаётгандек.

Бир педагог сифатида ёшларни олиб-сотарлик, жиноятчилик, ишсизлик ва ҳар хил тўгаракларга жалб этиш борасида қуйидаги муаммоларни кузатдим:

— ёшларнинг ҳуқуқий билим билан қуролланиш даражаси суст; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, Меҳнат Кодекси, аҳолини иш билан таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш тўғрисидаги қонунларнинг вазифалари, мазмун ва мақсадини тушунмайдилар;

(Давоми 5-бетда)

Bizga javob beradilar

Маълумки, газетамизда Қашқадарё вилояти Чироқчи транспорт касб-ҳунар коллежи психологи Боймирза Норбековнинг шу номда эълон қилинган мақоласида туманнинг Ҳ.Олимжон номидаги жамоа хўжалигида дастлаб бекор ётган боғча биносида ўз иш фаолиятини бошлаган 1-гимназия мактаб-интернатини хўжалик ҳудудидаги F.Ғулом номидаги мактаб биносида жойлашган, аммо бир неча йилдан буён фаолияти тўхтаб қолган "Санам" тикувчилик фабрикаси филиали ўрнига кўчиришга келишилганлиги, бироқ бу хусусда ҳатто туман ҳокимининг 2001 йил 17 августда Х-296/8- сонли қарори ҳам қабул қилинган бўлса-да, бироқ, мазкур қарор ҳануз тўлиқ бажарилмай келаётганлиги танқид қилинган эди.

Яқинда таҳририятимизга шу мақола юзасидан текширув ўтказган Қашқадарё вилоят прокуратураси томонидан жавоб хати келди. Унда, жумладан шундай дейилади:

"Қашқадарё вилоят прокуратураси томонидан "Маърифат" газетасининг 2003 йил 5 февралдаги сонида чоп этилган "Қарор нега бажарилмади?" сарлавҳали мақола юзасидан текшириш ўтказилди.

Мазкур жамиятнинг 2001 йил 1 май кунидаги зикр этилган бино унинг балансида турмаслиги ҳақидаги алоқа хатига мувофиқ туман ҳокимлиги томонидан 2001 йил 17 август куни 1-гимназия мактаб интернатини "Санам" ҳиссадорлик латнома бўйича сотувга қўйилган. Кўчмас мулк Биржаси вилоят филиали томонидан 2002 йил 11 ноябрь куни рўйхатга олинган 958-сонли олди-сотди шартномасига мувофиқ бино фуқаро Ш.Жўраевга 3.510.0 минг сўмга сотилган. Бироқ, бинони сотишда у қайси ташкилотнинг балансида эканлиги аниқланмаган ва уни амалдаги тартибга кўра қайта баҳолаш чоралари кўрилмаган.

Шу боисдан ушбу шартномани бекор қилиш тўғрисида Қарши шаҳар фуқаролик судига даъво ариза киритилган.

Шунингдек, зикр этилган бинони хусусийлаштиришда йўл қўйилган

ҚАРОР НЕГА БАЖАРИЛМАДИ?

"Ma'rifat", 2003 йил 5 февраль

Аниқланишича, мақолада зикр этилган "Санам" ҳиссадорлик жамиятининг филиали жойлашган бино тумандаги ишсиз хотин-қизларни иш билан таъминлаш мақсадида Халқ депутатлари Чироқчи туман (собиқ) Совети ижроия қўмитасининг 1989 йил 17 март кунидаги 3-сонли қарори билан Халқ депутатлари Коммуна қишлоқ (собиқ) Совети ижроия қўмитаси балансидан Қарши шаҳрида жойлашган тикувчилик фабрикаси балансига ўтказилган. Фабрика кейинчалик "Санам" ҳиссадорлик жамиятига айлантирилиб, бино ва унда жойлаштирилган ускуналар шу жамиятнинг филиали сифатида фаолият кўрсатиб келган.

жамиятига қарашли филиал биносига кўчириш ҳақида Х-296/8-сонли қарор қабул қилинган ва унга асосан 2001 йил август ойида мактаб-интернат ушбу бинога кўчириб ўтказилган.

Қарши шаҳар Давлат солиқ инспекциясининг шу жамиятдан солиқ ва мажбурий бюджет тўловлари бўйича қарзларини ундиришни сўраб киритган даъвосига кўра, вилоят хўжалик суди томонидан 2002 йил 10 октябрда жамиятдан 8068.0 минг сўмлик қарзни ундириш ҳақида ижро варақа чиқарилган.

Мазкур ижро варақага кўра, солиқ инспекцияси томонидан зикр этилган филиал ҳам жамиятнинг мулки сифатида хатланиб, 2002 йил 4 ноябрдаги далоқонунбузарлик ҳолатлари юзасидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 205-моддаси "а" банди, 207-моддаси 1-қисми билан 2003 йил 17 февраль куни "Санам" ҳиссадорлик жамияти масъул мансабдор шахсларга нисбатан қўзғатилган жиноий ишини тергов қилиш жараёнида тегишли ҳуқуқий баҳо бериш тўғрисида кўрсатма берилган.

Н.СУЛАЙМОНОВ,
вилоят прокурори вазифасини бажарувчи,
адлия маслаҳатчиси".



"Умид ниҳоллари-2003" якуний босқичига бир қадам.
7-бетга қаранг

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

SO‘NGGI UCH KUN MUJDALARI

TARBIYADA MUHIM HALQA

Oliy Majlisning Oila va ayollar muammolari komissiyasi tomonidan tashkil etilgan “O‘sib kelayotgan avlodni tarbiyalashda mahalla, oila va maktabning roli” deb nomlangan ilmiy-amaliy anjumanda ushbu hamkorlikni samarali tashkil etish bilan bog‘liq dasturlar ijrosi hamda bugungi kunda o‘zini bozorga urgan bolalar muammosi, yoshlar o‘rtasida jinoyatga moyillikning saqlanib qolayotganligi, ularda huquqiy madaniyatning pastligi atroflicha muhokama etilib, mazkur holatga barham berish borasida tavsiyalar qabul qilindi.

INTERNETDA YANGI SAYT

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Matbuot xizmati, UzPAK Ma’lumotlar uzatish davlat tarmog‘i korxonasi, O‘zbekiston tashqi iqtisodiy axborot tijorat markazi, O‘zbekiston Milliy axborot agentligi va “Jahon” axborot agentligi sa’y-harakatlari natijasida tashkil etilgan “O‘zbekiston — bugun” onlayn-fotogalereyasi (www.uzgallery.uz) deb nomlangan ushbu saytdan xalqimizning boy madaniyati va an’analari, noyob me’moriy yodgorliklar, iqtisodiyot, sog‘liqni saqlash tizimi va sportni rivojlantirish, respublikamizda yashayotgan millat va elatlar, shuningdek, boshqa mavzulardagi turfa xil fotosuratlar joy olgan.

BIRINCHI JILD MUHOKAMASI

Yahyo G‘ulomov nomidagi Respublika ilmiy seminarining Temuriylar tarixi davlat muzeyida bo‘lib o‘tgan navbatdagi 25-yig‘ilishida mamlakatimiz tarixchi, arxeolog va sharqshunos olimlari tomonidan tayyorlangan “O‘zbekiston tarixi xrestomatiyasi” kitobining birinchi jildi muhokama qilindi.

TALABALARGA BEPUL TUSHLIK

Kam ta’minlangan oilalar farzandlari uchun bunday muruvvatni Namangan davlat universiteti qoshidagi “Ziyoli” kichik korxonasi oshxonasi jamoasi o‘z foydasi evaziga amalga oshirib, ushbu maqsadga har oyda 400 ming so‘m sarflamoqda, deb xabar beradi “Turkiston-press” axborot agentligi.

“OLOTTEKS” QAD ROSTLADI

Yetmish mingdan ziyod aholi yashaydigan, shu paytgacha bironta ham yirik sanoat korxonasiga ega bo‘lmagan Olot tumanida O‘zbekiston — Shveytsariya hamkorligida qad rostlagan, loyiha qiymati 9 million AQSh dollariga teng bo‘lgan qo‘shma korxonada “Vimateks”, “Elteks” va “Trushler” kabi ilg‘or firmalarning zamonaviy jihozlari yordamida bir yilda 3300 tonna paxta qayta ishlanib, 2900 tonna ip-kalava, 6 million pogonometr ko‘ylakbop mato ishlab chiqariladi.

MUNIRA OPANING OLTINI

“Jo‘rabek”-LTD bosh direktori va “Jo‘rabek” xususiy dorixonasi rahbari Munira Qorieva Yevropaning Arch xalqaro tashkilotining oltin sovriniga sazovor bo‘ldi.

МАКТАБ – “КИЧИК РЕСПУБЛИКА”

Буюк аллома А.Авлоний “Болаларим, бўлса бўлар, бўлмаса ғовлаб кетар” замонлари ўтиб, “Билган битар, билмаган йитар”, замони келди”, дея айтган эди. Келажагимиз ворислари ўз ҳуқуқлари, бурч ва масъулиятларини тўғри англашлари, уларга қатъий амал қилишлари муҳимдир. Шу мақсадда 2001 йилда республика болалар парламенти ташкил этилди. “Келажак кенгаши” деб номланган ушбу ташкилотга мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан 219 та депутат сайланади. Бу кенгаш болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи халқаро Конвенция доирасида иш юритади.

Яқинда Балиқчи туманидаги 37-ўрта мактабда шулар хусусида бўлиб ўтган ажойиб тадбирнинг гувоҳи бўлдик. —Мактаб ўқувчиларининг ўз-ўзини бошқаришини янада кучайтириш мақсадида ўқувчилар президенти ҳамда кенгаш аъзоларини сайлашни маъқул топдик, — дейди биз билан суҳбатда мактаб директори, ушбу янгилик ташкилотчиси К.Аҳмедов. — Фарзандларимиз эркин фикрлай олишга ўрганиб борсалар, улар жамиятда ўз ўрнини тез ва тўғри топа оладилар, деб ўйлайман. Шу мақсадда ўқувчиларнинг “Умид” деб номланган “кичик республикаси”ни ташкил этдик. Энди ана шу кичик республикани бошқарувчи президент ҳамда кенгаш аъзолари сайланиши керак.

Мактаб президенти сайлаш чинакам сайлов тантаналарига айланиб кетди. Унда ота-оналар, туман халқ таълими бўлими вакиллари ҳамда ўқитувчилар кузатувчи сифатида иштирок этдилар.

Сайловлар ёпиқ-яширин овоз бериш йўли билан ўтказилди. Номзодлар орасидан энг кўп овоз олган 8“А”-синф ўқувчиси Моҳира Саримсоқова “Умид” “кичик республика”синининг президенти, этиб сайланди. Бунёдбек Бекмуродов, Бобур Мирзаолимов, Насиба Маматқуловалар “мактаб вазирлари”, Бобур Мирзаолимов ўқувчилар “олий судининг раиси” этиб тайинландилар.

Ibratli tadbir

Ўқитувчилар юқорида номи тилга олинган барча ўқувчиларни энг аълочи, тартиб-интизомли ва иқтидорли болалар эканлигини эътироф этишди. Кўзларида келажакка бўлган чексиз ишонч чақнаб турган болаларни кўриб, эртанги кунимиз ана шу ўтюрак, билимдон ёшлар қўлида эканидан фахрландик. Ўйлаймизки, бундай ташкилотчилик ишлари вилоятдаги бошқа мактабларда ҳам амалга оширилса, яхши натижа беради.

Орифжон СИДДИҚОВ,
“Ma’rifat” нинг махсус мухбири

ҚАЛБДАГИ ЭВРИЛИШ БОИСИ — НАВРЎЗ!

(Давоми. Боши 1-бетда)

Совуқлик чекиниб, кунлар илимоқда. Кунлар исиши эса кўнгилларни-да илитади. Бу замин йилнинг тўқсон кунлик хукмрони бўлган баҳор фасли оғушида эканини англатади. Дунёнинг рангини тиниқлаштирувчи зот — инсон ҳам бу маҳалда қалбида ажиб эврилишлар туяди. Бу эврилишлар кўклам безаги ибтидоси — Наврўз кунларида, айниқса, кучлироқ намоён бўлади. Байрам арафасида эса барчадан кўра ёшлар кўпроқ қувонишади. Бу маҳалда улар кўнглидан кечаётган кечинмаларни юзидан, кўзидан, сўзидан англаб олишингиз қийин бўлмайди.

Куни кеча пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги Аҳрор Тожиев номидаги 20-мактаб ҳовлиси ҳам баҳорий кечинмаларни қалбига сиғдира олмаётган ўқувчилару муаллимлар, “Тахтапул” маҳалласи фаоллари-ю, меҳмонлар билан гавжум бўлди. Карнай-сурнай наволари билан сурурланган дилдар дастлаб баҳорий либос ва кайфиятдаги ўқувчи қизлар рақсининг гувоҳи бўлишди.— Ўлкамизга чаккасига бодом гулию, бўйнига ўрик гулларидан тузилган дурларини тақиб, баҳор келди, — деди мактаб раҳбари Шаҳноза Қосимова йиғилганларни келаётган шодиёна билан қутларкан. — Бу фаслнинг таровати шуки, сал кунлардан кейин атроф янада гўзалликка бурканади.

Мактаб раҳбари сўзларига уланган мактаб ва маҳалла фаоллари чиқишларида бу масканлар ҳамкорлигининг ўқувчилар тарбиясидаги аҳамияти таъкидланди. Улар, айниқса, ўтган ҳафта охирида мамлакатимиз миқёсида ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашарида мактаб жамоаси ва маҳалла аҳлининг муносиб иштирок этишганига алоҳида тўхталишди. “Ассалом, Наврўз!” деб номланган мазкур тадбирда 20-мактабнинг мусиқа ўқитувчиси Нодира Йўлдошева раҳбарлигидаги “Шодиёна” ашула ва рақс ансамбли аъзоларининг кўклам либослари ва баҳорий кайфиятдаги чиқиши сурурли қалбларга хушнудлик улашган бўлса, халқ шоири Нормурод Нарзуллаев ва республикада хизмат кўрсатган артист Саида Раметоваларнинг чиқишлари даврага янада файз киритди.

Шерали НИШОНОВ,
“Ma’rifat” мухбири
Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

Xalq ta’limi va hokimiyati

МУВАФФАҚИЯТГА ЧОРЛОВ

Болалари иқтидорли юртнинг келажаги буюк бўлади. Шу ўринда яна битта гап бор. Ўз юртининг эртасини ўйлаган ҳар бир фуқаро шу юрт фарзандларидаги алоҳида-алоҳида иқтидорларни ўстириб бориш ташвиши билан яшайди. Бу савобли ишга қўлидан келганча ўз ҳиссасини қўшади.

Сурхондарё вилояти, Сариосиё тумани ҳокими, Олий Мажлис депутати Парда Мардиев жорий йилимиз бошида туман ХТБ ходимларига туман мактабларида таълим олаётган 9-10-11-синф ўқувчилари ўртасида она тили ва адабиёти, математика, физика, инглиз тили фанларидан энг юқори билим ва иқтидорга эга бўлган ўқувчиларни аниқлаш вазифасини топширди.

Туман ХТБнинг “Иқтидор — 2003” тадбири режаси асосида, аввал мактабларда, сўнг ҳудудий тартибда тест синовлари ўтказилиб, туман бўйича 171 нафар 9-10-11-синф ўқувчиларининг энг иқтидорлилари саралаб олинди. Яқинда “Иқтидор — 2003” танловининг якуний туман босқичи ўтказилди.

“1-даражали иқтидор соҳиби” номига 58-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Акмал Мўминов, 2-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Фазилатхон Шарипова ва 9-синф ўқувчиси Фахриддин Қудратовлар сазовор бўлишди.

“2-даражали иқтидор соҳиби” совринини эса 9-мактаб ўқувчиси Абдулҳофиз Равшанқулов, 19-ихтисослашган мактаб-интернат ўқувчиси Фаррух Назаров ва яна 2-мактабнинг ўқувчиси Хуршид Шералиевлар қўлга киритишган бўлса, “3-даражали иқтидор соҳиби” номига тумандаги 22, 24, 25-мактабларнинг 9-10-11-синф ўқувчилари Хайринисо Ботирова, Шерзод Шодиназаров ҳамда Сабоҳат Холмуродовалар лойиқ деб топилдилар.

Танлов якунидаги рағбатилантириш ишлари ҳаммасидан кўра яхшироқ бўлди. Жорий ўқув йилининг охиригача “1-даражали иқтидор соҳиблари”нинг ҳар бири ҳар ойда 20000 сўмдан, “2-даражали иқтидор соҳиблари”нинг ҳар бири ҳар ойда 15000 сўмдан, “3-даражали иқтидор соҳиблари”нинг ҳар бирига эса ҳар ойда 10000 сўмдан стипендия топшириладиган бўлди.

Совриндорларни тақдирлаш маросими сўнгида таълим-тарбия жонкуяри, Сариосиё тумани ҳокими Парда Мардиев “Иқтидор соҳиблари” беллашувини узлуксиз давом эттириш ниятида эканлигини билдириб, барча иқтидорли ёшларни танловда муваффақият қозонишга чақирди.

Абдували ОБИДДИН,
“Ma’rifat”нинг махсус мухбири

МЕТОДИКА ВА ТЕХНОЛОГИЯ БИР-БИРИДАН ҚАНДАЙ ФАРҚЛАНАДИ?

ёхуд замонавий педагогик технологияларни қўллашнинг илмий асослари хусусида

Маълумки, бугунги кунда таълим тизими ва жараёнига кириб келаётган педагогик технологиялар, уларни қўллаш борасида кўплаб илмий изланишлар, баҳс-мунозаралар мавжуд. Албатта, турли хил қарашга эга бўлган бу фикр-мулоҳазалар бир-бирини инкор этмайди, балки тўлдиради, деб ўйлаймиз.

Хўш, аслида технология нима дегани ўзи?

Илмий-педагогик адабиётларда технология сўзи грекча “techne” — санъат ва маҳорат, “logos” — таълимот сўзидан олинганлиги қайд этиб ўтилган.

ЮНЕСКОнинг таърифлашича эса, “педагогик технология” бу бутун ўқитиш ва билимларни ўзлаштириш жараёнида ўз олдига таълим шаклларини самарадорлаштириш вазифасини қўювчи техник ҳамда шахс ресурслари ва уларнинг ўзаро алоқасини ҳисобга олиб билимлар яратиш, қўллаш ва белгилашнинг тизимли услубидир.

Ўтмишга назар ташласак, педагогик технология атамаси ғарб педагогика фани ва амалиётига дастлаб 1950-60-йиллардан бошлаб кириб келган. Шу кунгача олимлар томонидан педагогик технологиялар хусусида таъриф, тушунча, изоҳлар жуда кўп билдирилган. Лекин шуни айтиб ўтиш жоизки, айрим амалиётчи ўқитувчилар томонидан педагогик технология методиканинг айнан ўзи ёки дарсларда интерфаол усуллар, техника воситаларидан фойдаланиш дея қатъий фикр билдирилмоқда. Шу боис ўқитувчилар орасида нотўғри тушунча бўлмаслиги учун педтехнология ва методикани бир-биридан ажратиб олиш зарурдир.

Бугунги кунда методиканинг ўзи икки хил маънода таърифланади, яъни, биринчидан, методикага фан сифатида қараш кераклиги, унинг ўз предмети ва тадқиқот йўналиши эътироф этилади. Иккинчи томондан эса, методикага метод ва усулларнинг уйғунлашуви, яъни технологик жараён сифатида қаралади. Ўқитиш технологияси — бу жараён. Агар методикага фан деб қаралса, методик асосларга илмий асослар сифатида қаралади. Бунда эса методика ва технологияни бир-бирига тенглаштириб бўлмайди. Яъни технологияни кенгроқ маънода тушуниш керак. Чунки технология методикадан фарқ қилган ҳолда фақат билим бериш эмас, балки аниқ мақсад ва натижага йўналтирилган таълим жараёни ҳамдир.

Методика ва технологиянинг бир-биридан фарқини З.Абасов шундай тушунтиради: “методика, бизнинг фикримизча, таълим мақсадларига йўналтирилган таълим мазмуни, ўқитишни ташкил этишнинг биргаликдаги мажмуидир. Бир хил мазмунга эга бўлган методика, услуб ва усуллар ёки методик тизим икки ўқитувчида икки хил натижа бериши мумкин. Педагогик технология қўлланганда эса, турли ўқитувчилар турли хил ёндашувда, турли хил восита ва усуллардан фойдаланишса-да, бир хил натижа олишлари мумкин”.

Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, ўқитувчининг шахсий маҳорати ва характери методикада акс этади, яъни методика ўқитувчига натижани кафолатламайди. Технология эса, методикадан фарқ қилган ҳолда кўплаб олимларнинг фикрича, илмий ва амалий хулосаларга асосланади.

Технология методика, дидактика ҳамда таълим-тарбия назариясини инкор этмайди, уларнинг ўрнини босмайди ҳам. У маълум алгоритмларни ишлаб чиқади, ўқув жараёнини конструкциялайди ҳамда кафолатланган натижага эришишнинг аниқ ва қатъий йўлларини белгилайди (“Школа технологии” №5, 2002 й, 58-бет).

Ушбу хулосалардан кўриниб турибдики, педагогик технологиянинг ҳам, методиканинг ҳам ўз ўрни бор. Лекин ҳар қандай педагогик технологиялар, ҳар қандай янги усул ва методлар педагогик жамоа, ота-оналар томонидан яхши қабул қилиниши ҳамда таълим тизимининг яхшиланиши, ривожланиши, шу билан бирга ўқувчиларнинг шахс сифатида камол топишларига ижобий таъсир кўрсата олиши керак. Бунинг учун амалда қўлланилаётган ёки қўлланилмоқчи бўлган педагогик технология замирида илмий асос — ижтимоий, иқтисодий, педагогик, психологик ва фалсафий асос бўлиши ва таъкидлаб ўтилганидек, таълим тизими ва шахс камолоти, жамият тараққиётига ижобий таъсир қила олиши лозим.

Тажрибадан маълумки, педагогик технологияларни қўллашда мактаб ўқитувчилари ва ота-оналар томонидан зиддиятлар, қарама-қаршилик ва норозиликлар юзага келиши мумкин (Бунга ҳозирда қўлланилаётган рейтинг тизимини мисол қилиш мумкин). Бундай вазиятлар юзага келмаслиги учун, аввало, қуйидагиларни амалга ошириш зарур, деб ўйлаймиз:

а) ўқитувчиларга қўлланилмоқчи бўлган педтехнология, унинг мақсади ва кутиладиган натижалар тўғрисида тўлиқ ахборот бериш;

б) қарорлар қабул қилиниши босқичида мазкур масала юзасидан ўқитувчилар орасида кенг миқёсда муҳокамалар ўтказишни ташкил этиш ва уларнинг фикр-мулоҳазаларини эътиборга олиш;

в) ўқитувчиларнинг позицияларига кўра турли хилдаги гуруҳлар билан табақалаштирилган ишлар олиб бориш;

г) моддий, молиявий ва психологик ёрдам, моддий техник таъминот, инновацион фаолиятга ижобий ёндашишни шакллантириш;

д) ҳамма ўқитувчилар учун доимий ва ўйналишларнинг янги педагогик технологияларни қўллашда методологик асос сифатида қабул қилиниши таълимнинг оқилона ташкил этилишига омил бўла олади. Буни қуйидагича изоҳлаш мумкин:

1. Педагогик мақсадларнинг йўналишини гуманитарлаштириш, яъни инсонга бериладиган таълим ва тарбия жамият томонидан инсоннинг ўзи учун хизмат қилишига имкон бериш.

2. Педагогик жараёнлар орасидаги асосий субъектлар ўқитувчи ва ўқувчи муносабатини объектив-субъектив шаклдан диалог муносабатига асосланган субъектдан субъектга кўчириш. Бунда ўқитувчининг маънавий интеллектуал таъсири остида ҳар бир ўқувчининг ўз имкониятларини тўла ишга сола олишлари таъминланиши керак. Бунинг учун назарий-амалий асосда ташкил этилган мактаб жамоаси ҳам бутунлай ўзгаришга ўтиши керак бўлади. Бу ташкилот педагог ва ўқувчиларнинг бош йўналиши бўлган маънавий аҳлоқий ва интеллектуал муҳитни яратишда биргаликда ҳамкорлик қилишларига имкон бериш, шу билан бирга эркин ўқувчининг шахси педагог шахси билан тенг қўйилиши керак.

3. Шу вақтгача мустаҳкам ўрнашиб қолган шахсни бир хилда ижтимоийлаштиришдан фарқли ўлароқ, миллий, табиий, демографик ва руҳий-физиологик асосларга ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятлари диққат-эътиборини кучайтириш. Бундай ҳолда ҳар бир боланинг шахсида зоҳир бўладиган ички кечинмаларни авайлашга эътибор беришни кучайтириш муҳимдир. Бунда “ҳар томонлама ва уйғун ривожлантириш” чақириқларига қарама-қарши ўлароқ, шахсни шакллантиришда фаолият-хизмат тариши — бу мактабларнинг мустақил фаолият кўрсатиши билан боғлиқдир. Бу республикамиздаги ўзига хос хусусиятлари, шароитлари билан фарқ қиладиган ҳудудларда мактабларнинг ўзига хос равишда ривожланишларига давлат томонидан керакли шароитлар яратиш орқали амалга оширилади. Шунинг учун ҳам мустақил давлатимизнинг янгиланган таълим сиёсатини амалга ошириши ва замонавий педагогик технологияларнинг самарали қўлланилишида маҳаллий идоралар, ҳокимликларнинг мустақил фаолиятлари муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки, замонавий педагогик технологиялар таълим тизимига кириб келар экан, керакли педагогик шарт-шароитлар бўлиши тақозо этилади. Кўпгина педагог олимларнинг илмий изланишларидан маълумки, агар педагогик жараёнда моддий-техник таъминот, мазмун, метод, усул, ўқитувчи шахси ўзаро бир-бири билан боғлиқ ҳолда таъсир этсагина, бу жараён мукаммал ва самарали бўлиши мумкин.

Гап замонавий педагогик технологияларни таълим тизимида қўллаш хусусида борар экан, у мактабнинг моддий техник таъминотига ҳам ўз талабини қўяди.

Машғулотларни гуруҳларга ажратиб ва индивидуал ўтиш учун ўқувчиларнинг синф ва синфдан ташқари фаолиятларининг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш, олган билим, кўникма ва малакаларини амалда қўллаш, қўл меҳнати, амалий фаолият жараёнида амалга оширишларига шароит яратишни (синф хонаси, кутубхона, спорт зали, устахона ва ҳ.к.) кўзда тутиш муҳимдир. Шунингдек, ўқитувчининг дарсга пухта тайёрланиши, керакли материаллардан фойдалана олиши учун замонавий педагогик-психологик, дидактик ва фалсафий адабиётлар, илмий-оммабоп журналлар, газеталар, бадиий адабиётлардан фойдалана олиши учун бой фондга эга бўлган кутубхона, унинг ишини енгиллаштириш учун синф хоналари компьютер билан таъминланиши ҳам муҳимдир.

Педагогик жиҳатдан таъминланишнинг яна бир элементи, бу — ўқитувчи шахси, мактаб педагогик жамоасини шакллантириш, педагогик технологияларнинг кириб келиши билан боғлиқ замонавий мактабларда жаҳон андозаларига мос равишда ўқитиш ишларини яхшилаш мақсадида педагогик кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш сифати, касбга тайёргарлик даражаларини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, замонавий педагогик технологияларни қўллашда мактабларнинг адаптация жараёнидан ўтишига имкон бериш ҳам педагогик жиҳатдан таъминланишнинг элементларига киради. Шу билан бирга боланинг интеллектуал ривожланганлиги ҳақидаги ахборотга эга бўлиш замонавий педтехнологияларни қўллашда муҳим аҳамият касб этади. Бугунги замонавий таълим, илғор педагогик технология янги руҳ ва мазмундаги, педагогик тафаккур, тараққийпарвар фикр, ғоялар маҳсулидир. Янги фикр, ғоялар ўз навбатида мавжуд муаммолар, йўл қўйилган хато ва камчиликларнинг чуқур таҳлил қилиниши натижасида юзага келади. Шунинг учун ҳам жамиятдаги ижтимоий-маданий муҳит аҳволи таҳлил қилинган ҳолда таълимни инсонпарварлаштириш, юзага келган мавжуд муаммоларни оқилона ҳал этиб бориш, янгича ишлаш янги педагогик тафаккурнинг асоси бўлиб қолади. Бу эса ўз навбатида таълим натижасини кафолатлайдиган, таълим тизимининг ривожланиб бориши, жамият тараққиёти, шахс камолотига ҳисса қўшадиган замонавий педагогик технологияларнинг кириб келишига замин яратади.

Баён этилган фикрлар шундай хулосаларга келишимизга имкон беради: таълимнинг ҳар бир босқичида замонавий педагогик технологияларни ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий шароитларда жамият муносабатларини ислоҳ қилиш, яъни демократлаштириш, фуқаролик жамиятини барпо этиш, таълимни инсонпарварлаштиришга самарали таъсир кўрсатадиган илмий-концептуал асосга эга бўлгандагина қўллаш мувофиқдир. Қўлланилаётган технологиялар ўқитувчи ва ўқувчи ҳаётига енгиллик олиб келиши, ўқувчининг хоҳлаб, қизиқиб ўқишига имкон бериши ва жамият тараққиётининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатишини кафолатлаши керак. Замонавий педтехнологиялар қўлланилишидан олдин адаптациядан ўтиши, педагогик шарт-шароитлар, моддий-техник база ҳисобга олиниши лозим.

Агар педагогик технологияларни қўллашда илмий асос ва кафолатланган натижа бўлмас экан, бундай технологиялар оқибати шахс камолоти, таълим тизими ва жамиятнинг юксалишига тўғаноқ бўлаверади.

Юлдуз АМИРЖОНОВА,
ЎзПФИТИ илмий ходими

МАКТАБ КУТУБХОНАСИГА — 1200 ТА ЯНГИ АДАБИЁТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шуни таъкидлаш лозимки, мазкур тадбир туманимизда ушбу ўқув йилининг ўзида иккинчи маротаба ўтказилаётган бўлиб, октябрь ойида бўлиб ўтган китоб марафонида биргина туман ҳокимлиги томонидан туман мактаб кутубхона заҳираларини бойитиш учун 1 миллион сўм миқдоридаги маблағ ажратилган бўлса, ота-она-лар ҳамда ҳомийлар томонидан 6,5 мингга яқин янги ўзбек алифбосидаги бадиий адабиётлар тақдим этилган эди.

Дарҳақиқат, ўқувчини китобга ошно қилишда, энг аввало, зиё масканлари ҳисобланган мактаб кутубхона заҳирасини бойитиш йўлида амалга оширилаётган бу каби изланишлар бесамар кетмаслиги тайин. Бинобарин, бола қалб ташналигини дастлаб шу масканда қондиришга ҳаракат қилади. Ўқувчи китоб, нур ахтариб кутубхонага кирсаю, излаганини тополмай чиқиб кетса, унинг шу масканга қайтиб яна кўнглига малҳам қидириши маҳол.

—Мактабимизда ўтказилаётган китоб марафони, — дейди суҳбатда 273-мактаб директори, Ўзбекистон Қаҳрамони Мавлуда Исматова, — айни Наврўз байрами шодиёналари арафасида бўлиб ўтаётганлиги ҳам бежиз эмас. Чунки бу кун қалбларга қувонч, шодлик улашиш байрами ҳамдир. Ўйлайманки, мана шундай улуғ кунда ўғил-қизлари келажагига умид қилган ҳар бир ота-она бундай хайрли ишга бош қўшиши шубҳасиз.

Шу куни 8-"Б" синфи ўқувчилари энг кўп, 63 та китоб тақдим этган бўлса, 6-"А" синф ўқувчилари 62 та, 9-"Г" синфи ўқувчилари эса 52 та ўз севимли китобларини қадрдон мактабларига совға қилишди. Эътиборлиси, мактаб кутубхонаси мазкур ўзига хос ташаббус билан яна 1200 га яқин янги бадиий адабиётлар билан бойиди.

Баҳодир ЖОВЛИЕВ,
"Ma'rifat" мухбири,
Зафар БАКИЕВ олган суратлар

Tanlov

Янги мингйилликка қадам қўйган инсоният ўзи билан бирга нафақат терроризм, балки, экологик муаммоларни ҳам олиб ўтди. Ҳозир бу борада "Green peace" каби халқаро ташкилотлар билан бир қаторда, дунё давлатлари ҳамжиҳатликда иш олиб бормоқдалар. Жумладан, бизнинг мамлакатимиз ҳам ушбу муаммодан холи эмаслиги ҳис этилиб, бу борада давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, республика Халқ таълими вазирлиги, республика "Bioekosan" ўқув-услубий мажмуаси, Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва "Экосан" халқаро жамғармаси ҳамкорликда "Эколандия" мавзусидаги экооромгоҳни ташкил этишга киришдилар.

ЮНЕСКО томонидан "2003 йил — Бутунжаҳон сув йили" деб эълон қилинишига бағишланган ушбу тадбирни ўтказишдан мақсад, ўқувчиларни жамиятнинг фаол аъзоси бўлиб шаклланишлари ҳамда табиатни муҳофаза қилишдаги иштирокларини таъминлашдир.

Ёзги таътилни Тошкент вилоятидаги сўлим оромгоҳда ўтказишни хоҳловчи барча ўқувчилар ушбу кўрик-танловда иштирок этиб, ғолиб бўлишлари мумкин. Танлов қатнашчилари флора ва фаунани ўрганишади, саёҳатлар уюштиришиб, тадқиқот ишлари олиб борадилар. Ва ниҳоят улар Ўрта Осиё минтақасида биологик хилма-хилликни сақлаш (шу йўналишга оид қандай чора-тадбирларни амалга ошириш мумкин?), экологик ва жамият (биологик хилма-хилликни сақлаш ва атроф-муҳитга салбий таъсирни камайтириш учун қандай ҳуқуқий, иқтисодий ижобий муносабатларни шакллантириш) ҳамда экологияга оид эркин мавзуларда реферат ёзадилар.

"Тоза муҳит — соғлом авлод гарови" шиори остида ўтказилаётган мазкур танловда таълим тизими муассасаларининг 12-16 ёшли ўқувчилари иштирок этишиб, 15-20 варақдан иборат рефератларини ўз турар жой ва мактаб манзилларини ёзган ҳолда, 5 апрелдан 6 майга қадар республика "Bioekosan" ўқув-услубий мажмуасига (700027 — Тошкент шаҳар Ўзбекистон кўчаси, 89-уй) тақдим этишлари керак. Ғолиблар рўйхати эса 5 июнга қадар "Маърифат" газетасида эълон қилиниб, уларга ёз фаслида оромгоҳда дам олишлари учун бепул йўлланма берилади. Иштирокчиларга омад тилаб қоламиз.

Ҳасан ЖАЛОЛОВ,
"Bioekosan" мажмуасининг директор ўринбосари

ОРОМГОҲГА БЕПУЛ БОРИШНИ ИСТАЙСИЗМИ?

ТАДҚИҚОТЧИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ КЕРАК

Мамлакатимизда тадбиркорлик ва ишбилармонликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, кичик ва ўрта бизнеснинг устувор йўналишларини ривожлантириш учун барча зарурий ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий шарт-шароитлар яратилмоқда. Гарчи қийин кечаётган бўлса-да, эришилаётган натижалар ҳам нисбатан ёмон эмас. Жамиятда мулкчиликнинг турли шакллари билан эркин шуғулланаётган янги типдаги мулкдорлар синфи орасида илм-фан билан шуғулланаётган зиёлилар жуда кам учрайди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги эълон қилган статистик маълумотларга кўра, илмий тадқиқотчиларнинг ҳар 100 нафаридан 23-24 кишигина ўз муддатида ҳимоя қилишмоқда. Уларнинг бир қисми моддий қийинчилик туфайли бошлаган ишларини ярим йўлда қолдириб кетишяпти. Олий таълим муассасасида педагоглик фаолияти билан бирга илмий-тадқиқот йўналишида изланиш олиб бораётган зиёлилар аввалги даврда тадбиркорликдан қанчалик узоқ турган бўлса, ҳозирда ҳам шундай. Аспирант, докторант ёки вақтинчалик ижодий таътилга чиққан олимнинг давлат томонидан қатъий белгиланган стипендия, хизмат сафари учун ажратиладиган моддий ёрдамдан ташқари ўз илмий фаолиятини маълум муддатга имтиёзли кредитлаш учун тижорат банк хизматидан ёки ўзи ишлаётган олий таълим муассасасининг ички имкониятларидан фойдаланиши орзулигича қолмоқда. Бу имкониятлар ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида илмий фаолият юритиш учун энг зарурий эҳтиёжлар учун асқотади.

Биз фойдаланиш муддати узоғи билан беш-олти йилга борадиган бирон-бир техникани сотиб олишга миллионларни ҳеч аямай сарфлаймиз. Аммо яратган эгам умр берса, қирқ-эллик йил меҳнат қиладиган педагог-олимга бир неча юз минг сўм маблағни қарзга, имтиёзли шартларда беришга ўйланиб қоламиз. Тўғри, олимларга ўз фаолиятларини тадбиркорлик асосида ташкил қилишга ҳеч қандай монеликлар йўқ. Қолаверса, чиқарилаётган қонунлардан фойдаланишда барча тенг ҳуқуқлидир. Аммо ҳамма гап шундаки, тижорат банкларини биринчи навбатда кредит олувчининг кафолат имкониятлари қизиқтиради. Илмий-тадқиқотчида

Taklif

эса, бошидаги илмий ғоядан бошқа қўлга илинадиган арзигулик нарсанинг ўзи йўқ. Хўш, нима қилиш керак? Фикримизча, олий таълим муассасаси ҳозирги молиявий имкониятларига кўра, бемалол ўзининг илмий-тадқиқотчиси билан тижорат банки ўртасида воситачи-кафолатчилик функциясини бажариши зарур. Биринчидан, талабаларнинг кўпчилик қисми тўлов-контракт шартномаси асосида ўқиётганлиги учун унинг ҳисоб рақамида бюджетдан ташқари, етарли маблағлари бор. Иккинчидан, у ёки бу таълим ўчоғида иш бошлаган педагог-олим асосан шу муассасада кўп йиллар фаолият кўрсатадики, олган кредит маблағини кейинги самарали меҳнат фаолияти давомида бемалол узиши мумкин.

Масалани ижобий ҳал қилишнинг яна бир қулай имконияти бор. Гап, олий таълим муассасасининг ўзи илмий-тадқиқотчи учун кредиторлик функциясини бажариши мумкинлиги тўғрисида бормоқда. Муассаса ҳозирги шароит талабларидан келиб чиқиб, илмий-тадқиқотчи педагогнинг изланишларини охирига етказиш учун керак бўладиган асосий сарф-харажатларни ўрганиб чиқиб, ўзаро шартнома тузиш асосида, босқичма-босқич маблағ бериб бориш йўли билан қўллаб-қувватласа, ҳар икки томон учун ҳам бирдек қулай ва фойдали бўлар эди. Ҳозирги вақтда амалда қўлланилаётган моддий рағбатлантириш ёки йўл харажатларини бир маротаба тўлаш йўли билан илмий тадқиқотчининг умумий харажатларини қоплаб бўлмайди.

Ўрни келганда, шу масалага дахлдор яна бир муаммо хусусида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Ижтимоий онгдаги илм-фан, техникага, унинг заҳматкаш ижодкорларига олдинги даврда шаклланиб қолган "бу давлатнинг иши" — деб бир томонлама қарашни, тайёрга айёрлик қилиш руҳиятини ўзгартириш зарур. Хусусий мулк эгалари асосан хорижий технологияларни қўлга киритиш ҳаракатига берилиб кетиб, ўзларининг ёнида турган эртанги куннинг истиқболини яратувчиларга эътибор беришмаяпти. Ваҳоланки, уларнинг шундоққина ёнгинасида истеъдодли олим ўз ғояси билан ўз ёғига қовурилмоқда. Унинг айби битта, у ҳам бўлса маҳаллий кадр бўлиб, қўлида етарли сармояси йўқ. Бугун Япония технологияси ёки хитойча тадбиркорлик тўғрисида эшитмаган ёки оғиз тўлдириб гапирмайдиган одамни топиш амри-маҳол. Аммо бунинг замирида илм-фан турганлиги, бу масалада ҳар бир миллат ва элат, аввало ўзининг илмий салоҳияти тўғрисида қайғуриши керак, деган фикр мавжудлигини унутмаслигимиз керак.

Фарҳод ТУРҒУНБОЕВ,
Фарғона Давлат университети доценти

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ЖОЗИБАСИ ЎЗГАЧА

Чет эллик талаба Жон Сунг Ким бир суҳбатда шундай деган эди: мен бу ерга Жанубий Кореядан келдим. Низомий номидаги педагогика университетида магистратурада ўқийман. Ўзбек тилини бир йилдан буён ўрганаяпман. Бироқ аксар кишилар бу ерда менга рус тилида мурожаат қилишади. Ҳайрон қоламан. Бунинг устига нега ўзбек тилини ўрганаяпсиз, дея асабимга тегишади. Мен уларга ахир, бу ер Ўзбекистон-ку, ўзбек тилининг жозибаси ўзгача десам, кулишади. Ўзлари эса ўзбек бўлишса-да, она тилини яхши билишмайди.

Таассуфки, у ҳақ эди. Ҳақиқатан ҳам бу ҳолат бугун юртимизда андак кучайгандек. Шу боис, аждодларимизнинг тилни миллатнинг руҳи деб, аташгани ҳам бугун анчайин ёддан кўтарилгандек туюлади.

Аммо, аслида-чи? Бу ҳақда сўз юритишда шошилиш керак эмас. Чунки ҳали она тилига эътибор, эҳтиром билан қарамоқ, унинг ҳар бир сўзи қатларига яширилган маънони, мазмун теранликларини идрок этаётган, бу муқаддас заминда тин олган аждодлар руҳини ҳис қилаётган ва бу гўшани фидойилик билан ҳимоя қилишга ҳамиша ҳозир турган кишилар ҳам оз эмас.

Урганч шаҳридаги 3-мактаб-гимназия ана шундай эзгу ишларни амалга ошириш йўлида самарали фаолият юритиб келаётган илм масканларидан саналади. Иккинчи даражали "Соғлом авлод учун" ордени соҳиби Эмилия Пак раҳбарлик қилиб келаётган гимназияда таълим икки тилда олиб борилиб, ўқувчиларга 78 нафар ўқитувчи сабоқ беради. Улардан 7 нафари ўзбек тили ўқитувчиларидир. Бугунги кунда илм масканида "Давлат тили ҳақида"ги қонун ижросини амалга оширувчи ишчи гуруҳ фаолият кўрсатиб келаётир. Шу билан бирга давлат тили метод бирлашмаси ҳам иш олиб бормоқда. Қуйида ишчи гуруҳ аъзоси, ўзбек тили ўқитувчиси Г.Эшжонованинг бошқа миллат вакилларига ўтган ва қузатилган дарс жараёни тафсилотлари ҳавола этилмоқда.

Уйлаймизки, русийзабон ўқувчиларга ўзбек тилидан сабоқ берадиган муаллимлар ушбу дарснинг қайсидир жиҳатларидан ўз дарсларида ижодий фойдаланадилар.

Маълумки, янги педтехнологияга кўра, ўқувчилар юксак дидли, ақлан баркамол, мустақил фикрлай оладиган шахс сифатида камол топиши керак. Шу билан бирга русийзабон ўқувчилар ўзбек тилида эркин гапира олишлари лозим. Бунда ўқитувчи йўналтирувчи вазифасини бажариши, грамматик қоидаларни ёдлатишдан воз кечиши, ижодий тафаккур тарзини шакллантириши керак. Ўзбек тили таълимотининг бош мақсади — ўзбек тили дарсларида ўқувчиларнинг ижодийлик, мустақил ва ижодий фикрини оғзаки ва ёзма шаклда тўғри, равон ифодалаш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилгандир. Адабиёт ўқитишда эса, тафаккурни ўстириш ва эстетик дидни таркиб топтиришга кўпроқ эътибор зарур бўлади.

Сирасини айтганда, адабий таълим жараёнида ўқувчи матнларни таҳлил қила олиши ва бу борада ўз фикрини оғзаки ва ёзма баён эта олиш кўникмаларини ҳам эгаллаши лозим. Чунончи, муаллима Г.Эшжонова бир неча йилдан буён таълим рус тилида олиб бориладиган 3-мактаб-гимназиясида ўзбек тили фанидан дарс бериб, бошқа миллат болаларига миллий ҳамда маънавий қадриятларимиз маънавий озуқа сифатида хизмат қилишини тушунтиришга ҳаракат қилиб келаётган экан. Ушбу дарсида, яъни "Алишер Навоий", "Улуғбек", "Ўқитувчи", "Луқмони Ҳаким" мавзуларини ўтганда ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш мақсадида ҳар хил грамматик ўйин, топшириқ, сўз ўйинлари, топишмоқ, ҳикоятлар, бошқотирмалардан самарали фойдаланди. Ўқитувчи топишмоқ, топшириқларни топишмоқ-жумбоқ тарзида берди. Дастлаб ҳикоянинг бошланиши ўқитувчи томонидан айтилиб, сўнгра ўқувчилар томонидан давом эттирилгани айниқса, қизиқарли бўлди. Масалан, "Алишер Навоий" мавзусида "Тил ва бош" ҳикояси гапириб берилди:

Кунлардан бир куни Ҳусайн Бойқаро саройга кириш олдидан Навоийга кўрсатгич бармоғи билан бошини кўрсатибди. Навоий ҳам ўша бармоғи билан тилини кўрсатибди...

Шу жойда ўқитувчи ҳикоя айтишдан тўхтади ва ўқувчилардан бу билан Навоий нима демоқчи, деб сўради.

Tajriba, sinov, natija

Болалар ҳикояни давом эттиришди. ***Хулоса шуки, бу билан Навоий бошга бало тилдан келишини айтган.***

Сўнгра болалар бу мавзуга оид мақоллар келтиришди:

Тил бор, бол келтирар,
Тил бор, бало келтирар.

Тилим менинг балодир,
Ёмон ўтга соладир.

Тилингни авайла, омондир бошинг,
Сўзингни авайла, узаяр ёшинг.

Муаллим "Луқмони Ҳаким" мавзусини ўтиш жараёнида ўғил-қизларга "Тил ва юрак" ҳикоясини сўзлаб берди:

Бир куни Луқмони Ҳакимни бир бой одам бозордан сотиб олиб, уйига келтирибди. У бой эшигида хизмат қилар экан, хўжайини унинг донолигини синаб кўриш мақсадида унга қўй сўйиб, энг ёмон аъзоларини олиб келишини билдирибди. Луқмон қўй сўйиб, унинг юраги билан тилини олиб келибди. Бир неча кундан кейин хўжайини энди қўйнинг энг яхши аъзоларини келтиришини буюрибди. Луқмон яна қўйнинг юраги билан тилини олиб келибди. Шунда хўжайини ундан нега ёмон аъзолари десам ҳам, яхши аъзолари десам ҳам юраги билан тилини олиб келдинг, деб сўрабди.

Шу пайт ўқитувчи ўқувчилардан Луқмони Ҳакимнинг хўжайинига қандай жавоб берганини сўради.

Ўқувчилар: агар юрак билан тил пок бўлса, ундан яхши нарса йўқ. Агар юрак билан тил нопок бўлса, ундан ёмон нарса йўқ. Чунки, ҳамма нарса юрак билан тилдан чиқади.

Дарс жараёнида муаллим ҳазрат Навоийнинг юз минг мисра шеърни ёддан билганини таъкидлаб ўтди. Бу бир ибрат. Албатта, ўқувчилар Навоий шеърларини ўзбек, рус, инглиз тилларида ёддан айтиб беришга ҳаракат қилишди.

Хўш, ўқитувчи шеърни болаларга қандай ёдлатадию, қай тарзда айттиради? Биз очиқ дарсда ана шу каби саволларга жавоб изладик. Масалан, у Огаҳийнинг рубоийларини ўтганда рубоийнинг сўзлари устида ўқувчилари билан биргаликда ишлаб, таржима қилар эканлар. Натижада ўқувчилар шеърнинг асосий мағзини уқиб олади. Сўнг уларга шеърдаги сўзларнинг бош ҳарфлари қуйидаги тарзда берилади:

Қ б п т г б
Ҳ т и з б б
Г а ё я м қ
Я о н б б

Яъни:

Қилмоқ билан парвариш, тикон гул бўлмас,
Ҳам тарбият ила зоғ булбул бўлмас.
Гар асли ёмонга яхшилик минг қилсанг,
Яхшилик онинг нияти билкулл бўлмас.

Ўзбек тили дарси жараёнида илм масканида ўқувчилари билган шеърларини ёд айтишди.

Биринчи ўқувчи:

Сўздурки, нишон берур ўликка жондин,
Сўздурки, берур жонга хабар жонондин.

Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,
Билким гуҳари шарифроқ йўқ ондин.

Иккинчи ўқувчи:

Ёрдин ҳеч ким менингдек зору маҳжур ўлмасин,
Жумла оламда расволиққа машҳур ўлмасин.

Ёр васлига қувондим, қувди куйидин мени,
Эй Навоий, ҳеч ким давлатга магрур ўлмасин.

Сўнгра бир неча ўқувчи Эркин Воҳидовнинг "Она тилим ўлмайди" шеърини ўқишди:

Нотиқ деди: тақдир шул,
Бу жаҳоний ирода.
Тиллар йўқолур буткул,
Бир тил қолур дунёда.

Эй воиз, пастга туш,
Бу гап чиқди қаердан?
Навоий билан Пушкин
Туриб келди қабридан.

Ким дарғазаб, ким ҳайрон,
Чиқиб келдилар қатор.
Данте, Шиллер ва Байрон,
Фирдавсий, Бальзак, Тагор.

Ваъзингни қуй биродар,
Сен айтганинг бўлмайди.
Барча деди баробар:
"Она тилим ўлмайди"

Дарс сўнгида ўқувчилар машғулотдан олган таассуротларини айтишди: биз ўзбек тилини ўрганиш орқали бу тилнинг нечоғлик гўзал, бой эканини билдик. Устозимиз кўмаги билан ҳазрат Навоий, Бобур, Нодира ғазалларини ўқидик. Э. Воҳидов, Зулфия, М. Юсуф ижодидан баҳраманд бўлиш бахтига муяссар бўлдик. Она тилининг жозибаси, буюклиги, тил — миллатнинг руҳи эканини англадик.

Хулоса қилиб айтганда, дарс жараёнида ҳар хил грамматик ўйинлардан фойдаланиш орқали ўқувчилар ўз фикрини эркин бемалол ифода этишга йўналтирилса, улар келгусида нутқи равон инсон бўлиб етишади. Г.Эшжонованинг русийзабон ўқувчиларига ўтган ушбу дарсида шу мақсад сари интилинганини сездик.

Қумрихон СУЛТОНОВА,
РТМ давлат тили бўлими бош методисти,
Шерали НИШОНОВ,
"Ma'rifat" мухбири

Bog‘cha murabbiysi bolalarga jismoniy tarbiyadan saboq berishda kundalik nazoratni amalga oshirishi, profilaktik tadbirlarni o‘z vaqtida qo‘llashi, ularning kundalik faoliyatini tashkil etishda va mashg‘ulotlar o‘tkazishda zarur gigiyenik talablarga rioya qilishi kerak.

Umumxalq hasharidan tushgan mablag‘lar “Mahalla” jamg‘armasiga hamda bolalar sportini rivojlantirishga sarflanadigan bo‘ldi.

Ma'rifat

БОЛАНИНГ АСАБИНИ АСРАНГ!

Ўзида маънавий бойликни, аҳлоқий покликни ва жисмоний мукаммалликни мужассамлаштирган, ҳар томонлама камол топган, ижтимоий жиҳатдан фаол шахсни шакллантириш боланинг илк ёшлик чоғидан бошланади. Ушбу мақсадга етишиш эса ҳар бир мураббий ва ота-онадан таълим-тарбиянинг самарали усулларидан яхши бохабар бўлишни талаб этади. Мактабгача ёшдаги болалар сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлаш борасида уларга индивидуал ёндошишнинг йўллари ва усуллари мавжуд.

Индивидуал ёндошиш болаларни ҳар томонлама ривожланишига имкон беради. Болаларнинг анатомик-физиологик, психологик хусусиятларини билмай туриб, уларга нисбатан индивидуал ёндошишни амалга ошириб бўлмайди.

Тадқиқотчиларнинг олиб борган илмий ишлари инсоннинг жисмоний, ақлий ва ахлоқий тараққиёти ўртасида узвий боғлиқлик борлигини тасдиқлаган.

Шуни айтиш керакки, жисмоний тарбия сезгиларни, кўриш ва эшитиш органларини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлиб, ўз ўрнида кишининг ақлий тараққиётига ва характерининг шаклланишига катта таъсир кўрсатади.

Боғча мураббийси болаларга жисмоний тарбиядан сабоқ беришда кундалик назоратни амалга ошириши, профилактик тадбирларни ўз вақтида қўллаши, уларнинг кундалик фаолиятини ташкил этишда ва машғулотлар ўтказишда зарур гигиеник талабларга риоя қилиши керак. Буларни муваффақиятли амалга оширишда кичкинтойларга индивидуал ёндошиш муҳим аҳамият касб этади. Зотан, бу усул боланинг жисмоний камолотидаги ўзига хосликни аниқлаш, унинг намоён қилаётган ҳулқ-атвори ва хатти-ҳаракатларининг сабабларини билиб олиш ва унга тўғри ёндошиш имкониятини беради.

Аслида ҳеч нарса тарбиячи эътиборидан четда қолмаслиги лозим. Ҳатто бола кайфиятидаги унча аҳамиятга эга бўлмаган ўзгариш ҳам.

Олимлар баъзи болаларнинг жисмонан қувватсизлик сабабларини таҳлил қилишган. Унга кўра, булар жуда нозик ўстирилган, чиниқтирилмаган, “шамоллаб қолмасин” деб доимо ўраб-чирмаланган болалардир. Шамоллаш туфайли пайдо бўладиган касалликларга тез-тез чалиниш бола организмини беқувватлаштириб, унинг вазни ва бўйида ўз асоратини кўрсатади.

Шунингдек, баъзи ҳолатларда болалар асабийлигининг ортиши, уларнинг жисмоний тўғри ўсишига салбий таъсир кўрсатади. Бунақа болалар ёмон ухлайди, эриниб, иштаҳа билан овқатланмайди, кўпинча йиғлайди, ҳаддан ташқари тез хафа бўладиган бўлиб қолади. Мана бундай болалар “соғлиги заифлашган” сифатида умумий аломатлари бўйича ажратилади. Аммо уларнинг ҳар бирида индивидуал хусусият ҳам намоён бўлади. Масалан:

Марҳабо — касалманд қиз, вазни кам, беҳафсала, журъатсиз, ташаббус намоён қила билмайди. У тарбиячи ва шифокорнинг эътиборида туришга муҳтож. Айниқса, у жисмоний топшириқларни бажараётганида ўта чарчаб қолмаслигини назорат қилиб бориш керак. Қизчани гуруҳ ҳаётида иштирок этишига жалб қилиш ва чиниқтириш тадбирларини ўтказиш зарур.

Фарҳоджон — Қувноқ, семизгина, ташқаридан соғлом боладек кўринади, лекин тез чарчайди, у тез-тез дам олиб туриши зарур. Бола уч ёшга кирганида сил касалининг баъзи оғир аломатларини бошидан кечирган эди. Шунинг учун сув процедуралари ва чиниқтириш тадбирларига жуда ҳам муҳтож. У билан ишлашда ота-онасининг ёрдамига суяниш керак.

Бола камолотини тўғри таъминлаш изчил антропометрик текшириб туришни талаб қилади. Чунки доимо антропометрик ўлчаб туриш, баъзи болаларда намоён бўладиган семириш, қадди-қомат қийшайиши, плоскостопия (ясси товон), узоқни кўра олмаслик каби меъёрдан четга чиқиш аломатларини аниқлаб олишга ёрдам беради. Мабодо мана шунақа болалар бор бўлса, уларни алоҳида ҳисобга олиш ва зарурий даволаш тадбирларни қўллаш керак.

Одатда болалар билан ўтказиладиган машғулотларда гигиеник

Tavsiya

талабларга риоя қилмаслик бола кўриш сезгисини ўта зўриқишини оширади. Кўришнинг бузилиши жуда ташвишланарли ҳолдир. Аслида, агар гуруҳ хоналарида ёруғликнинг етарли меъёрда бўлиши таъминланса, китоб бурчаги гуруҳ хонасининг ёруғроқ қисмида ташкил этилса, болаларнинг гавда ҳолатини тўғри тутиши кузатиб борилса, кўзи яхши кўрмайдиган болалар ёруғлик манбаига яқинроқ жойга ўтқазилса ва бошқа шулар каби профилактик тадбирлар кўрилса, болаларда кўриш қобилияти бузилишининг олди олинган бўлади.

Баъзи болалар анча вақтгача ухлай олмай ётадилар, ухлашни истамайдилар, ўриндан туришга рухсат беришни сўрайдилар. Одатда бундай болалар асабий, осон қўзғалувчан бўладилар. Бунақа болалар уйқуга кетиши учун уларни ёнида ўтиришнинг, ҳатто қўлларини ушлаш ва силашнинг ўзи кифоя. Тарбиячининг оғирвазминлиги, осойишталиги, уни назокатлилиги, мулойимлиги, меҳрибонлик билан эркалаши ўта асабий болаларга яхши таъсир кўрсатади.

Машҳур рус педагоги ва шифокори Е.Аркин ўз асарларида асаб системасининг болаларнинг жисмоний аҳволи ва индивидуал хусусияти билан бевосита боғлиқлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, тарбиячи ўз ишида буни ҳисобга олиши керак.

Аркин болаларнинг ўта сезгирлиги ва асабийлигининг сабаблари ҳақида ҳам тўхталиб, бу кўпинча ота-она ҳиссиётининг нотўғри намоён қилиниши оқибатида рўй бериши мумкин дейди. Баъзи ота-оналар болаларини эркалайдилар, уни ҳадеб суйиб ўпаверадилар, уларнинг чиройига маҳлиё бўлиб, қойил қоладилар. Оқибатда гўдакнинг асаб системаси соғлом қўзғалиш имкониятини йўқотади, заиф, бедармон ва ланж бўлиб қолади. Агар бола ҳаддан ташқари қаттиққўл, талабчан шароитда тарбияланса, бунда унинг асаблари таранглашиб қолади.

Асабий бола жуда нотинч, ўта сезгир ва тиниб-тинчимас, бетоқат бўлади. Теварак-атрофдагилар билан кўпинча жанжаллашади. Ота-она ва тарбиячи бунақа бола билан муомала қилганда, мулойим, хотиржам, оғир-вазмин бўлишлари керак. Чиниқтириш тадбирлари, тинч ва етарли меъёрдаги уйқу ҳам асаб системасининг мустаҳкамланишига яхши таъсир этади. Аркиннинг фикрича, чиниқтириш тадбирлари — бу фақат жисмоний тарбия фактори бўлиб қолмай, балки бола характери “ўзагини” ташкил этадиган, иродани шакллантирувчи восита ҳам ҳисобланади.

Кузатишлардан олинган маълумотларнинг кўрсатишича, жисмоний нуқсони бўлган болалар алоҳида диққат-эътиборни талаб қиладилар. Бунақа бола ўзининг тўлақонли эмаслигини оғир ҳис қилади, ўз кучига ишонмайдиган, одамларга аралашмайдиган, бўлиб қолади. Унда теварак-атрофдагиларга ишонмаслик, баъзи ҳолатларда аламзадалик, ғазабланиш ҳоллари намоён бўлади.

Катталар ёрдам бериши туфайли уларнинг яхши хислатларини ўстириш мумкин, албатта. Фикримизнинг далили сифатида мана бу мисолни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Тошкент шаҳридаги боғчалардан бирига Қобулжон исмли бола қабул қилинади. Унинг ўнг юзида катта шиш бўлиб, бола кўркини хунук қилиб кўрсатарди. У одамларга тез аралашиб кетадиган, ақлан яхши ўсган, ҳамма нарсага қизиқувчан бўлиб, мантиқли саволлар берса-да, дастлаб болалар у билан бирга ўйнашни, унинг ёнида туришни истамадилар. Шунда тарбиячи болаларга — Қобилжон қандай яхши бола экан, деб айта бошлайди. У буни доимо ўрнида, болалар жонига тегмайдиган қилиб айтарди. Қобилжонга кўпинча ўртоғига нимадир бажаришда ёрдамлашиб юборишни буюрар эди. Ниҳоят, ундаги дўстлаша билиш фазилати болаларни ўзига ром қилади. Натижада болалар унинг ташқи кўринишдаги камчилигини пайқамайдиган бўлиб қолдилар.

Демак, болаларни ҳар томонлама тўғри ўсиши ҳақида ғамхўрлик қилиш боғча опанинг диққат марказида бўлмоғи лозим. Мана шунга риоя қилган ҳолда болаларнинг жисмоний ҳолатини эътибор билан кузата биладиган, машғулотларда, ўйин ва меҳнат фаолияти пайтида ҳаммага эътибор билан қарай оладиган, айрим болаларга бериладиган топшириқ меъёрини оқилона аниқлай биладиган, болаларни ўта чарчашига сира йўл қўймайдиган мураббиягина уларни жисмонан тўғри ўсишига ва аҳлоқан ижобий камол топишига ўзининг салмоқли улушини қўша олади.

Робия ТЎРАХОНОВА,
психология фанлари номзоди,
Шарифа МАДРАҲИМОВА,
“Маърифат” мухбири

АЗИЗА ШЕЪР ЁЗАДИ...

Асли термизлик, шаҳардаги Ҳамид Олимжон номли ўрта мактабни 2002 йилда аъло баҳолар, аъло хулқи билан тугатган Азиза Шоймардонова Термиз Давлат университети қошидаги академик лицей талабаси бўлган эди. Табиатан тиришқоқ, изланувчан ва салоҳиятли Азиза ҳали ўрта мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ тенгдошларидан ажралиб турарди.

2002 йилда у ўзининг “Мурғак қалб садолари”, “Азизим сизсиз” деб номланган тўпламларини нашр эттирди. Яқинда фаол ва аълочи талаба Азиза Шоймардонова Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори бўлди.

Биз Азизадек заковатли ва ақлли талабамиз борлиги билан қувонамиз, — дейди академик лицей директори Бўрибой Қодиров, — ундан кўп тенгдошлари, курсдошлари ўрнак олаётганлигини ўзи ҳам кўп нарсаларни англатади. Азизанинг ўзи эса улкан мукофотдан шу қадар хурсандки, ҳатто сўз билан ифодалаб беролмайди, бу қувончини.

—Ҳали бу ишончни, мукофотни оқлашим керак, — дейди Азиза. — Бу мен учун қанотдир. Биламан, илм йўли ҳам, адабиёт йўли ҳам равон эмас. Бу йўл нотекис, оғир йўлдир. Лекин, бу баланд давонларни забт этмоқ ҳам, уларга қараб талпинмоқ ҳам бир шарафдир.

Туркистон-Пресс

МУРУВВАТ

Наврўз — меҳр-муҳаббат ва яхшилик айёми. Саховат ва мурувват нурлари қалбларни чароғон этувчи ушбу айём кунларида муҳтожларга мадад бўлиш, қийналганларга ёрдам қўлини чўзиш, савоб амалларни бажариш халқимизнинг азалий анъаналаридандир. Ана шу анъаналарни давом эттирган ва қадриятларимизни юксалтирган ҳолда ўксик дилларни хушнуд қилиш мақсадида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши 18 март куни Собир Раҳимов туманида жойлашган 101-сонли ногиронлар интернати тарбияланувчиларига турли ўқув қуроллари ва “Камолот” рамзи туширилган футболкалардан иборат, Наврўз совғаларини тақдим этди.

Байрамга айланган ушбу тадбирда “Умид юлдузлари” фестивали совриндорлари ўз концерт дастурларини болажонлар эътиборига ҳавола этдилар.

Дилдора МЕЙЛИЕВА

Hashar

МЕҲНАТ БАЙРАМИ

Жорий йилнинг 15 март куни “ЭКОСАН” халқаро жамғармаси экология ва саломатлик кунлари доирасида “Обод маҳалла йили”га бағишлаб “ЭКОСАН маҳаллага” шиори остида ҳашар ташкил қилди.

Республикамизнинг барча вилоят ва туманларида бўлгани каби пойтахтимиздаги Ботаника боғида ҳам экологик ва жамоат ҳашари бўлиб ўтди. Ҳар йили анъанага айланган ушбу тадбирда давлат арбоблари, ёзувчи ва шоирлар, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари, таниқли санъаткорлар, экологик олимлар ва олий ўқув юртларининг талабалари иштирок этдилар.

Умумхалқ ҳашарида Ўзбек Миллий академик драма театри жамоаси ва бир қатор давлатлардан келган вакиллар ҳашарчиларнинг янада жўшқинроқ фаолият юритишларига туртки бўлдилар. Фаррух Зокиров, Гулбаҳор Сулаймонова каби санъаткорларимиз йиғилганларни ўз қўшиқлари билан хушнуд этдилар.

Умумхалқ ҳашаридан тушган маблағлар “Маҳалла” жамғармасига ҳамда Болалар спортини ривожлантиришга сарфланадиган бўлди.

Азиз НОРҚУЛОВ,
ЎзМУ талабаси

Ҳашар халқимизнинг қадимий анъаналаридан бири саналади. Шу йилнинг 14 март куни юртимизда уюшқоқлик билан ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашари бу фикрни яна бир карра исботлади. Унда республикамиз умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари ҳам фаол иштирок этишганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Хусусан, Чилонзор туманидаги 126-мактабда кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш тадбири ҳар йилгидан ўзгачароқ тус олди.

Шу куни мактаб атрофидаги ариқ-зовурлар тозаланди, очиқ майдонлар супуриб, сидирилди. Мавжуд дарахтлар таглари юмшатилиб, оқланди. Асосийси, илм маскани ёнидаги бўш ерларга мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди.

Суратда: Ўқувчилар мактаб илмий бўлим мудири Роза Тошматова бошчилигида кўчатлар ўтқазишаяпти.

Бурхон РИЗО олган сурат

ТАЛАБАЛАР — ОБОДОНЛАШТИРИШДА

Абдулла Қодирий номидаги Жиззах Давлат педагогика институти жамоаси ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини кенг кўламда олиб бормоқда. Буни Наврўз байрами шарафига ўтказилган умумхалқ ҳашарида институтнинг 600 дан кўпроқ профессор-ўқитувчилари ва 2500 дан ортиқ талабалари иштирок этганлигидан билса бўлади. Қисқа муддатда олийгоҳ атрофига 600 туп арча, 1000 туп манзарали дарахт ва турли хил гуллар экилди. Ариқлар, теварак-атроф тозаланди.

Институт ёшлари шаҳар кўчаларини ободонлаштиришга ҳам муносиб улуш қўшдилар ва “Истиқлол” боғида ана шундай хайрли ишга қўл урдилар.

— Касбий билим беришдан ташқари “Обод маҳалла йили”да ёшларни миллий қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, огоҳликка даъват этувчи ва ҳушёрликка чорловчи тадбирларга катта эътибор бермоқдамиз, — дейди институтнинг биринчи проректори А.Маматов.

А.СОДИҚОВ,
“Маърифат” мухбири

Kasbga yo‘naltirish

ҲУНАР СИРЛАРИ ТАҚДИМОТИ

Пойтахтимиздаги енгил саноат бўйича республика касб-ҳунар лицейида ўқувчи-ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш ишлари бўйича қатор тадбирлар ишлаб чиқилган. Булар сирасига муҳандис-педагогларни умумий ўрта таълим мактабларига бириктириш, ёшларни касбга йўналтириш бўйича шаҳар мактаблари маъмуриятлари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, таълим муассасаси маънавият ва маърифат хонасида лицей ўқувчилари томонидан тайёрланган бичиш ва тикиш маҳсулотлари кўргазмасини ташкил этиш, мактабларнинг битирувчи синф ўқувчилари ва уларнинг ота-оналари учун очиқ эшик кунларини мунтазам равишда ўтказиб туриш каби тадбирлар киради. Бундай учрашувларда таълим масканидаги ўқув-тарбия жараёни, бу ерда фаолият кўрсатаётган тўгараклар иши, ўтказилаётган маданий-маърифий тадбирлар хусусида суҳбатлар уюштирилиб, ўқувчи-ёшларга атрофлича маълумотлар берилмоқда.

Яқинда мазкур илм даргоҳида ана шундай тадбирлардан бири бўлиб ўтди. “Очиқ эшиклар куни”га ташриф буюрган мактаб ўқувчилари бу ердаги ўқув хоналари, ишлаб чиқариш устахоналари билан танишиб бўлгач, улар эътиборига “Ором” миллий рақс тўгараги, “Шарқ гўзали” модалар театри қизларининг иштирокида катта концерт дастури намойиш этилди.

Нур АЛИ
Суратларда: тадбирдан лавҳалар.
Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар

ҚАҲРАМОН ҚАЛБИДАГИ ЭВРИЛИШЛАР

Маълумки, ўзбек қиссачилигининг яратилиш манбалари мумтоз адабиётимизнинг узоқ тарихига, Рабғузий каби ижодкорлар асарларига бориб тақалса-да, XX аср бошларига келиб у янгича концепция билан бойий бошлади. Жаҳон, биринчи галда Ғарб адабиётига хос бўлган реалистик тасвир қирраларини, воқеликнинг ижтимоий ва маънавий томонларини бирдек акс эттиришга ҳаракат қила бошлади. Бу даврда яратилган кўплаб асарлар қисса жанрининг янги-янги қирраларини намоён қилди. 80-йиллар қиссачилиги ўзбек қиссачилиги тарихида алоҳида саҳифани ташкил этди. Бу даврда яратилган асарларда инсон руҳияти тасвири орқали олам ва одам ҳақидаги концепция илгари сурила бошланди.

Истеъдодли шахсларнинг қалби уйғоқ, руҳияти нотинч бўлади. Бу давр ижодкорлари адабиётга худди шундай виждони ғалаёнда бўлган инсон образини олиб киришга ҳаракат қилдилар. Кўп ўринларда бунга муяссар ҳам бўлишди.

"Инсон — бу сир, жумбоқ. Бу жумбоқни ечиш керак" — деган эди Ф. Достоевский.

Дарҳақиқат, бу кўҳна оламда жумбоқлар кўп. Лекин бу жумбоқларнинг кўпчилигини инсон ақлу заковати, тафаккури eча олган. Бироқ барча жумбоқлар ичида энг олий жумбоқ — бу инсоннинг ўзи. Кўплаб жумбоқларни кашф этган инсон ўз руҳияти олдида ожиз.

Инсоният пайдо бўлибдики, бу масала бўйича асрлар давомида не-не мутафаккирлар, файласуфлар, руҳшунослар бош қотиришган. Бироқ ҳали-ҳануз инсон руҳияти сиру синоатга тўлиқлигича қолмоқда. Шу боис бўлса керак, адабиёт ҳам пайдо бўлгандан буён инсонни кашф қилишга интилади.

Машҳур немис файласуфи Ницшенинг фикрича, инсон мудом ранжу алам, зиддиятлар ва курашлар ичида яшайди. Зеро, бу воситалар ичра инсон ўзлигини излайди. Руҳий ғалаёнлар, маънавий эврилишлар инсоннинг руҳан юксалишига олиб келади. Ва бу юксалиш инсон ҳаётининг моҳиятини белгилашга хизмат қилади.

80-йилларда яратилган Х.Султоновнинг "Ёзнинг ёлғиз ёдгори"даги Адаш Карвон ҳам, Э. Аъзамовнинг "Байрамдан бошқа кунлар"идаги Бакир ҳам, М.М.Дўстнинг "Истеъфо"сидаги Эломонов ёки "Галатепага қайтиш"даги Ғайбаров, А.Аъзамнинг "Асқартоғ томонларда" асаридаги Шоди образларининг ҳаммаси кечикиб бўлса-да, ўзлигини англашга интилган зиддиятли қаҳрамонлардир.

Адаш Карвоннинг мўмин бўлиш билан муте бўлиш, хокисор бўлиш билан хор бўлиш ҳолатларини англаш даражасига кўтарилиш жараёни, Ғайбаровнинг отаси вафотидан кейинги зиддиятли руҳий ҳолатлари, дунёқарашида янгича бир ўзгаришларнинг пайдо бўлиши, ўзини, ўзлигини англашга бўлган интилиши, "Истеъфо" қиссасидаги Эломоновнинг ишдан истеъфога чиқиши фақат ишдангина эмас, ҳаттоки, ҳаётнинг ўзидан ҳам истеъфога чиққан инсон сифатида руҳий изтироблар исканжасида ўзлигини англашга оид муаммоларга дуч келиши — булар барчаси инсон руҳиятидаги мураккаб кечинмалар сифатида ўзбек қиссачилигидаги алоҳида йўналишни ташкил қилади. 80 -йиллар ўзбек қиссачилиги қаҳрамонларининг аксариятини "виждони ғалаёнда" бўлган инсонлар сифатида таъкидладик. Чунки, улар турли хил мураккабликларни, эврилишларни, зиддиятларни ўз бошидан кечирадилар. Китобхонлар уларнинг ҳаёт тарзини кузатиб борар экан, улар билан биргаликда "нафас ола бошлайди". Бу эса ижодкор маҳоратининг юксак ифодасидир.

Бу давр асарларида аввалгилардан фарқли равишда воқелик фақат тасдиқ йўсинида тасвирланмасдан, балки уни шубҳа остига олиш, инкор этиш ёки исён руҳида тасвирлаш сари қадам ташлаганини кузатиш мумкин. Жумладан, Х. Султоновнинг "Ёзнинг ёлғиз ёдгори" қиссасидаги Адаш Карвон тақдири шу жиҳатдан характерли. Бу қаҳрамон том маънодаги фожиавий қаҳрамон ҳисобланади.

Адаш Карвон умр поёнида яккаю ёлғиз зурриёдидан ҳам, бир умр барча ғам-ташвиш, дард-аламни ўз ичига ютиб, Адаш Карвонга қайтадан жон ато этган, қайтадан яшашга мажбур этган, вафоли, меҳрибон кампири Ойнисадан ҳам жудо бўлди. Энди унинг авлодини давом эттирувчи фарзанди Насиббек, йиқилса билагидан тутгувчи, ҳамдард, ҳар ишда мадад берувчи кампири йўқ. У якка-ёлғиз қолди... инсон учун бундан ортиқ фожеа йўқ. Шу фожеа моҳиятини ижодкор фақат характер, хусусиятлардагина эмас, балки уларни ўраб турган муҳитдан ҳам излайди. Чунончи, қаҳрамоннинг 30-йилларда қатағон қурбони бўлиб, Сибирга сургун қилиниши, қуруқ туҳмат билан қамалиши ва шу боис Ойнисага 25 йил кечикиб уйланиши, Насиббекнинг 25 йил кечикиб туғилиши (эртароқ уйланганда кўп фарзанди бўларди) ва ҳасаднинг қурбонига айланиши, буларнинг барчаси воқелик билан у ёки бу тарзда боғланган ҳолатдир. Бу масаланинг бир томони. Бошқа томондан эса унинг ўзига хос бўлган руҳияти, характер қирралари, ҳаддан ташқари ишонувчанлиги, самимийлиги, энг дахшатлиси, мутелиги шу ҳолатга тушишига сабаб бўлади. Шу тариқа асарда давр ва шахс фожеаси яхлит фожелик сифатида намоён бўлади ва фош қилувчи хусусиятга айланади.

Ёзувчи Адаш Карвон характерини яратар экан, унинг кампири қазо қилиб, ўзининг умри ҳам поёнига ета бошлаган пайтдаги руҳиятини, қалбидаги зиддиятларни ҳаққоний тасвирлайди. Уни ўз босиб ўтган умрига назар ташлашга мажбур қилади. Натижада умр поёнида Адаш Карвон тафаккури ва руҳиятида янгича дунёқараш — воқеликни янгича мезонлар асосида англаб етиш, яъни мўмин бўлмоқ билан муте бўлмоқ, хокисор бўлмоқ билан хор бўлмоқ ўртасидаги фарқни тушуна олган инсон даражасига кўтарилади. Бу эса адабиётда инсон концепциясининг янгича йўсинда намоён бўлаётганлигидан далолат беради.

Муаллиф Адаш Карвон руҳиятидаги ўзгаришларни, товланишларни теран тадқиқ қилиб, ишонарли тасвирлаб берадики, асарни ўқиган китобхон руҳан ўзини Адаш Карвонга яқин, ҳамдард сезади.

"Бирор кимсага ёмонлик соғинмаган эди-ку? Нега бирор тилаги юзага чиқмади? Нега илтижолари соҳиби карам қулоғига етмади? Кўп нарса сўраганмиди у? Озмиди сўраган нарсалари?! Наҳотки, қудрати чексиз. Оллоҳи карамнинг қудрати етмайдиган нарсаларни сўраган бўлса!?

Инсон боласи хом сут эмган банда деган гап бор. Баъзида гуноҳ иш қилиб қўйганимизни билмай қоламиз. Катта-кичик гуноҳлардан сақлана олмаймиз. Адаш Карвон ҳам шундай ҳолга тушган. У шундай фожеали онларида ўз фожеасининг сабабларини аниқлашга руҳий жавоб излайди. Яратган билан хаёлан мулоқотга киришади. Қилган гуноҳларим эвазигами бу, дея изтироб чекади. Негаки, Адаш Карвон бу дунёга келиб рўшнолик кўрмади. Даставвал, энди йигит бўлиб уйланаман деганида, туҳмат билан қамалиб кетди. Қамоқдан келиб уйланди. Кўп фарзанд кўрди. Бироқ фарзандлари турмади. Ёшлигида нобуд бўлиб кетаверди. Биргина Насиббек тирик қолиб, бўйи етди. Мактабни энди-гина тугатган пайтида у ҳам севган қизи туфайли ҳамқишлоғи Саттор томонидан отиб ўлдирилди... Шундан сўнг фарзанд доғида кампири ҳам бандаликни бажо келтирди. Муаллиф Адаш Карвоннинг Насиббекдай ўғлидан ажралган ҳолатини қуйидагича тасвирлайди:

Talqin

"Отаси ўлганда унинг кўзи куйди, онаси ўлганда жигари куйди, таниш ва нотанишлар ўлганда димоғи куйди, аммо Насиббек ўлганда, Насиббек ўлганда юраги куйди, куйиб-куйиб кул бўлди". Адаш Карвон отасининг ҳам, онасининг ҳам, таниш-нотанишларнинг ҳам азасига чидаган, қалбида нимадир йўқолган, ҳар бир йўқотишнинг, "ўлганда" ва "куйди" сўзларининг такрори ана шу тахлит кучайиб боради.

Кўчирмадаги "Насиббек ўлганда" бирикмасининг икки марта қайтарилиши эса инсон қалбидаги ғам-аламнинг тўлқини ҳапқириб ўз қирғоғидан тошиб кетаётган ҳолатини гавдалантиради. Шу ҳолатда қаҳрамон руҳияти очилади.

Бувиси ўлганда Адаш Карвоннинг аҳволи баён қилинади, Насиббекнинг ўлими китобхон учун сир, унинг хаёли "Насиббек қандай ўлди экан" деган савол-жавоб билан банд бўлади.

"Чунки...

Чунки, гумроҳ босмаса, ўша куни умрида бормаган Баландмачитга намозга отланадими? Гумроҳ босмаса, колхоз боғидаги қоровулхонага — қамиш чайлага ўғлини атай чақириб милтиқни ўз қўли билан тутқазадими? Гумроҳ босмаса, боққа ёв кириб келаётгани йўқ эди, милтиқни беркитиб кетса бўлмасмиди?! Гумроҳ босмаса, эшакка минаётганда этак томондан салом бериб келган бадбахт Сатторни чайлага йўлатармиди?"

Асардаги бу савол-жавобларнинг такрори бир неча бадиий вазифани бажариб келган. Унда пушаймони ичига сиғмай мункиллаб қолган Адаш Карвоннинг аянчли руҳий изтироблари ифодаси ҳам, кейинги воқеаларни баён қилиш учун воситачилик ҳолатини ҳам, ғам-алам, афсуснадомат оҳангининг кучайтирилишини ҳам кўриш мумкин.

Ёзувчи қаҳрамон руҳиятини синчковлик билан кузатиб ва очиб, уни жонли тасвирлаб беришга ҳаракат қилади.

Тақдир зарбаларидан чарчаган Адаш Карвон бу дунёда яшашнинг ўзи бир синов эканлигини бирров эсидан чиқариб қўяди-да, кейин ийманиб, истиғфор келтиради.

"Тумандек ёпирилган шубҳалар қалбини кемира бошлаганда, уни қўрқув босади, шак келтириб қўйишдан қўрқади".

Юраги чексиз-чегарасиз ғамга тўлиб кетган кезларида дунё кўзига қоронғу кўриниб, қўл силтаб юборай дейди... сўнг эса... кўксида виждони тирилади, тилга киради. Ва ўз шубҳа-гумонлари учун тавба-тазарру қилмоққа шошилади, калимаи истиғфорни ягона нажот билиб қайта-қайта такрорлайди.

Демак, қаҳрамонимиз руҳиятида ўзгариш содир бўлди. У ўз-ўзини англади.

Ижодкор ўз асарларида янгича руҳиятни, ўша қаҳрамон сийратида эса янгича дунёқарашни шакллантира олган.

Адаш Карвон сиртдан қараганда муте инсон бўлиб кўринади. Лекин унинг кескинлиги инсоний жиҳатдан ноёб даражада. Унинг ҳаддан ташқари ишонувчанлиги, самимийлиги, энг ёмони, мўминлиги ҳаётдан ҳам норизо бўлишига сабаб бўлади. Айни чоғда унга бир қанча қулайликлар яратилган эди, лекин қалбига, ийманига сингиб кетган самимийлик, ишонувчанлик, мўминлик тўсқинлик қилади.

У яшаган муҳитда катталарга, юқори лавозимдаги кишиларга қарши чиқиш, ўзининг ҳақлигини, ўзининг айбсизлигини билса-да, буни исботлаш ёт нарса эди. Бу ҳолатни қаҳрамонимиз сийратида ҳам кўриш мумкин. Биз минг уринмайлик уни қалб-қалбига сингиб кетган мутеликдан қутқара олмаймиз.

Адаш Карвон бутун умри давомида ўзининг айби нима эканлигини билмасдан ҳаётидан норизо бўлди. У ўша пайт қамоқдан қочиб кетганида Ойнисага 25 йил кечикиб уйланмаслиги, 25 йил кейин Насиббекнинг туғилмаслиги ва умри фожелик, пушаймонликда ўтмаслиги мумкин эди.

Адаш Карвондаги ҳиссиёт ўғли Насиббек фожеаси билан уйғунлашиб кетади. Сабаби, Насиббекка ҳам ўта самимийлик, ишонч отасидан ўтган бўлса, ажабмас.

Ёзувчи Адаш Карвон руҳий оламини тадқиқ қилар экан, бошқа бир муҳим мақсадни олдига қўйган. Адаш Карвон қисмати қайғу-алам, дард-ситам, синов учун дунёга келган, яшаётган ҳар бир одамнинг бошига тушиши мумкин.

Негаки, бу дунё — синов дунёси. Худди шу мезон асосида қарасак, муаллиф устувор бир ютуққа эришган. Адаш Карвон ички оламини, ички қиёфасини очиб бериш орқали инсон руҳиятининг ноёб қирраларини тадқиқ қила олган.

Адаш Карвон қисса сўнгида чўчиб кўз очади. Адаш Карвоннинг "кўз очиши" рамзий ечим. У энди уйғонди, ҳақиқий инсон бўлиб уйғонди.

Дилафрўз ЖАББОРОВА,
Низомий номидаги ТДПУ магистранти

2003 yil — Obod mahalla yili

ХУВАЙДОДА СОҒЛОМ МУҲИТ ҲУКМРОН

Маҳалла ўзига хос кичик бир ҳудуд, Ватаннинг бир бўлаги. 2003 йилда ана шу мўъжаз масканларнинг қадри ва аҳамияти яна ҳам ошадиган бўлди.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги Ҳувайдо маҳалласи ҳавас қилса арзигулик бир гўша. Бу маҳалладаги 12 та кўча номлари эл эъзозидаги кишиларнинг исм-шарифлари билан юритилади. Хувайдода 3100 нафар аҳоли рўйхатга олинган ва улар 460 хонадонни ташкил қилади.

— Маҳалламизда асосан, зиёлилар яшашади. Улар халқ манфаатини ўзларинiки билан уйғун тарзда кўра билишади, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Фатхулла Асқаров. — Қўшниқўшнилар орасида меҳр-оқибат ришталари мустаҳкам. Улар бир-бирларининг қувончу ташвишларига шерик. Тўй-маъракаларда елкадош, маслаҳатгўй ҳувайдоликларнинг бошларини бириктириб турган нарса бу қадимий қадриятларни тўла тушуниб етганликлари бўлса керак.

Маҳалла қўмитаси қошида ўнта комиссия фаолият кўрсатмоқда. Айниқса, хотин-қизлар қўмитаси, ёшлар ва вояга етмаганлар билан ишлаш, ярашувлар, маъмурий ишлар бўйича комиссиялар анча фаол. Жумладан, ярашувлар комиссиясининг фаоллиги билан 2002 йилда оилавий келишмовчиликларнинг олди олиниб, 10 та оиладан 8 таси тикланди.

Болалар спортини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳам анчайин диққатга сазовор. Шахмат-шашка клублари, стадионлар, ўйин майдончалари етарли. Туман бўйича ўтказилган футбол мусобақаларида маҳалла ёшлари фахрли иккинчи ўринни эгаллашди. 2002 йил вояга етмаганлар орасида бирорта ҳам жиноят содир этилмаганлиги маҳаллада соғлом муҳит қарор топганини кўрсатиб турибди.

Маҳаллада Ғафур Ғулом номидаги 169-мактаб ва битта болалар боғчаси мавжуд бўлиб, ўсиб келаётган ёш авлод тарбияси бўйича муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Ўқувчиларнинг дарсга мунтазам равишда қатнашишлари ота-оналар, синф раҳбарлари томонидан назорат қилиб борилади. Муҳими шундаки, мактаб ва боғчада ишлайдиган ўқитувчи-мураббийлар ҳам ана шу маҳаллада яшашади. Улар ҳар бир оиладаги муҳитни яхши билишади ва таълимни ҳам, тарбияни ҳам оилалар билан баҳамжиҳатликда олиб бориш керак, деб ҳисоблайдилар. Бир ойда бир марта ўқувчиларнинг ота-оналари билан учрашув ўтказилади. Шу йилнинг май ойида мактабда Ғафур Ғуломнинг 100 йиллигига бағишланган юбилей ўтказиш режалаштирилмоқда.

Мухтасар ИСОҚОВА,
ЎзМУ журналистика факультети I курс талабаси

ЯПОНИЯЛИК ОЛИМ ТАЛАБАЛАР ҲУЗУРИДА

Мамлакатимиз дунёнинг ривожланган демократик давлатлари, нуфузли халқаро ташкилотлар билан барча жабҳаларда, жумладан, фан ва таълим, қонунчилик ва ҳуқуқ соҳаларида ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Тошкент давлат юридик институти талабалари билан Япониянинг Нагоя университети профессори

Yaponiya

Шигеру Кагаяма ўртасида бўлиб ўтган учрашув ҳам соҳадаги ана шундай ҳамкорлик алоқаларига бағишланди. Тадбирда "Кўчмас мулкларни рўйхатдан ўтказиш ва ашёвий ҳуқуқларнинг ўтиши" мавзуида маъруза тингланган, Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ ислоҳоти, хусусан, иқтисодиётдаги ўзгаришларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш мақсадида амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш, фуқаро ва юридик шахслар ҳуқуқи ҳамда манфаатларини янада кенгроқ таъминлаш йўлларини ишлаб чиқиш борасида соҳадаги ижобий ўзгаришлар хусусида атрофлича фикр юритилди.

ТАДБИРКОРЛИКМИ ЁХУД...

(Давоми. Боши 1-бетда)

— жойларда, маҳаллаларда олиб-сотарликка қарши чоралар ишлаб чиқилмаганлиги, тадбиркорликни ривожлантириш ва ишсиз юрганларни фойдали меҳнатга, ўқимай юрганларни ҳар хил тўгаракларга жалб қилиш суст бораётир.

Бизни масаланинг ижтимоий педагогикага оид жиҳатлари қизиқтиради. Бунда эса маҳалла педагогикаси катта таъсир имкониятига эга. Маҳалланинг педагогик муҳити ва руҳи мамлакатимизда истиқомат қилаётган ҳар бир инсоннинг дилига сингиб кетган. Халқимиз маҳалла йиғинлари, оқсоқоллар кенгашлари орқали жамоатчиликнинг педагогик фикрини сафарбар қилишнинг ўзига хос усулларини шакллантириб келган.

Олиб-сотарлик билан шуғулланиб, гўёки яқин қариндошига, қўшниси ёки ота-онасига ёрдамлашган бўлиб, ўқишдан, фойдали меҳнатдан йироқлашаётган, ҳали оқ-қорани ажрата олмаган, хулқи ва маънавияти тўлиқ шаклланмаган болани назоратсиз қолдириш — уни бузғунчи ғоялар қурбонига айлантириш эмасмикин?

Бозор иқтисодиётининг қонунида "товар қанча кўп бўлса, шунча арзон бўлади"-дейилади. Бу қонун тўғрилиги шубҳасиз, аммо четдан келтирилган бир дона ручка юз сўм деб нархланадиган бўлса, битта олиб-сотарнинг қўлида юз ўн сўм ва ўнта олиб-сотарнинг қўлидан ўтса икки юз сўмга сотиб олишга мажбурмиз. Биринчидан, оддий харидор қиммат нархда товар сотиб олса, иккинчидан ҳамма осон пул топиш йўлига ўтиб, товарлар қўлдан-қўлга алмашиб устама нарх билан келаверади. Натижада аҳолининг аксарият қисми олиб-сотарлик ишлари билан шуғулланиб, ишлаб чиқариш технологиялари ривожланмайди ва бозорда ўзининг янги товари пайдо булиши учун замин ҳозирламайди.

Деҳқон бозоридаги сотувчидан "Бир кило картошка неча пул?" деб сўраб кўринг - 250 сўм дейди. Сиз "200 сўмга бераолмайсизми?" деб сўрасангиз, "ўзимга 240 сўмга тушган, 10 сўмингиз менга қолади, биз ҳам тирикчилик учун юрибмиз", - дейишади. Яқинда олиб-сотарлик билан шуғулланувчи бир киши билан суҳбат чоғида: "Маҳсулотлар нечта олиб-сотарнинг қўлидан ўтади", деб сўрасам, у киши: — Қаерда бозори қиммат бўлса, ўша мол кўп олиб-сотарларнинг қўлини кўрган бўлади. Тахминимча камида 6 тадан 8 тагача қўлдан ўтади", - дейди.

Бир қараганда оддий бўлиб кўринадиган олиб-сотарлик:

— бозорни сифатли ва арзон мол билан таъминлашга тўсқинлик қилади;

— янги ишлаб чиқариш технологиялари йўлини тўсади;

— аёллар олиб-сотарлик билан шуғулланиб, фарзанд тарбияси четда қолади;

— ўқувчиларни илмдан, мактабдан йироқлаштиради.

Олиб-сотарлик келтириб чиқарадиган бу каби муаммолар нафақат давлат иқтисодиётини, балки миллатни маънавий-маърифий ва мафкуравий турғунлик исканжасига олади. Масалан, Олой бозоридан Фарҳод бозорига маҳсулот олиб бориб сотилди. Бундан нима ўзгарди? Ким нима фойда қилдию нима зиён? Туғри, олиб-сотар фойда кўрди, лекин давлатнинг иқтисодиётига, бюджетига, харидорига қанча фойда келди?

Олиб-сотарлар ҳам ўзларича тадбиркормиз, ишбилармонмиз дейди. Менимча, ҳақиқий ишбилармон, тадбиркорлар хомашёни топиб, ишлаб чиқариш технологияларини ўрнатиб, халқ эҳтиёжи учун тайёр товар маҳсулотлари (йўқ нарсадан бор қилиб) ишлаб чиқарадиганлардир.

Собиқ шўро даврида Ўзбекистонимиз хомашё базаси ҳисобланиб, ўша давр маълумотларига кўра 1 кг пахта учун бизга 20 тийин тўланган ва қайта ишланиб 1 кг пахтадан тайёрланган тайёр маҳсулотни ўзимизга 50 сўмга пуллашган.

Жамиятни миллий, тарихий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги асосида маънавий янгилаш ва ҳам маҳаллаларда ёшлар тарбияси назоратини кучайтириш йўлларини топишдир. Олиб-сотарлик кетидан қувиб билим олишдан бўйин товлаган ёшларнинг тақдири билан қизиқишимиз ва бу иллатнинг жамиятга таҳдиди қанчалик даражада эканлигини ҳис қилишимиз керак. Олибсотарлик ўз-ўзимизни алдаш, келажагимизга болта уриш билан баробардир.

Ўзбекистонда тадбиркорлар, ишбилармонлар ва ишлаб чиқарувчиларда ўз ватани келажаги олдидаги масъулият, қолаверса ор-номус каби хислатлар пайдо бўлмаса, ҳамма эҳтиёж учун товарлар четдан келтирилса, халқни иш билан таъминлаш жиддий муаммога айланиши мумкин. 1992 йил 13 январдан Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги қонуни амалга киритилди. Ушбу ҳужжат республикада ишсизликнинг салбий ҳолатларига, бозор иқтисодиётига ўтиш муносабатида фуқароларнинг иш ўринларига эга бўлишларини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлашда муҳимдир.

Шу ўринда Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 31 декабрда қабул қилинган "Иш билан таъминлашга кўмаклашиш республика жамғармасини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорини ҳам алоҳида таъкидлаш керак.

Дунёнинг ривожланган давлатлари тараққиётининг бош омили — олиб-сотарларсиз ички ишлаб чиқаришни ривожлантириш эди ва бунга эришди. Чунки четдан келтирилган товар ҳисобига эмас, ўзлари кичик тадбиркорликни ривожлантириб ўзининг бозорини ўзи ишлаб чиқарган товарлар билан тўлдирди.

Олибсотарликка яна бир сабаб, жойлардаги бюрократик аппарат, эскича фикри ўзгармаган, боқимандалик ҳолатидан қутула олмаган айрим раҳбарлар ва турли текширувчи ҳамда назорат қилувчи ташкилотлар тадбиркорликнинг ривожланишига тўсқинлик қилмоқда. Натижада тадбиркорлар ишлаб чиқариш ўрнига кўпроқ савдо-сотиқ, олиб-сотарлик ишлари билан шуғулланмоқда, дейиш мумкин.

Олиб-сотарликнинг яна бир муаммоли томони ҳеч қандай давлат рўйхатидан ўтмасдан фаолият юритиб, давлат бюджетига даромадлардан маълум фоиз ҳисобида солиқ тўлаш ҳолларидан бўйин товлашдир. Аммо, шуни ҳам эътиборга олиш керакки, Президентимиз И.Каримов таъбири билан айтганда: "Одамларнинг бир қисми ишсиз қолса, қашшоқлар кўпайиб кетади, деган нотўғри тасаввурдан халос бўлиш пайти келди. Меҳнат бозори бўлмаса, ишчи кучи товарга айлантирилмаса, бозор муносабатлари тўғрисидаги гап-сўзлар оғизда қолиб кетади". Шу аснода одамлар боқимандалик ҳолатидан қутулиб, бозор муносабатлари имкониятларидан тўғри ва оқилона фойдаланиши ва бунинг учун унинг талабларига жавоб беришга эришишлари зарур. Яъни, малакани ошириш керак.

Биз меҳнатсеварликда ўзга миллатлардан кам эмасмиз. Фақат бугуннинг манфаатини уйлаб яшасак, келажагимиз қандай бўлади? Ишламай ётган одамга ҳеч ким ризқ бермайди.

"Эй, оғайни, — дейди 53 ёшли самарқандлик Зиёдулла ака. —Дангаса бўлиб кетган эканмиз ўзимиз. Бор нарсалардан, масалан, томорқадан ҳам катта-катта даромад олмай, ғумайзор, ажриқзор қилиб, беҳавас яшаб юрган эканмиз. Мана ҳаракат қилаяпмиз. Бултур томорқамизнинг ўзидан 1,5 миллион сўм даромад олдим. Бу йилги мўлжалим 2800 000. Иккита ўғлим бор. Илгари уларнинг вақти кўчада ўтар эди. Қишлоғимизда кечқурун тўйлардан қайтаётиб тўда-тўда бўлиб юрган йигитларни кўриб, чўчир эдик. Ҳозир кўчада бекорчи ўсмирлар камайди."

Тўғри, тарбияли оилаларда ҳамма ишга — томорқага ёпишган. Шу фикрлардан билса бўладики, бугунги кун бизни янгича яшаш, янгича ишлашга ўргатаяпти.

Олиб-сотарлик кундан-кунга авж олиб кетаверса, бу ҳолатда илм билан шуғулланишни ва машаққатли ҳолатларни бошидан кечириб янги замонавий технологияларни яратишни кимлар ўз зиммасига олади? Эртасини, фарзандини, давлатининг бойиб, ривожланиб кетишини ўйлаган фуқаро, айниқса, йигит киши: мен уйда ўтириб, хотиним олиб-сотарлик қилиб топган пулига кунимни ўтказмаслигим керак, бу йигит учун катта уят, деган фикрларни қалбан ҳис қилиши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, меҳнат, ишлаб чиқариш ва унинг маҳсулоти қандай бўлса турмуш ҳам шундай бўлади. Бунинг ёрқин исботини бугунги ўзбек тадбиркорлари, ишбилармонлари, фермерлари ишлаб чиқарган товар маҳсулотларида кўра бошлаяпмиз. Демак, ҳар бир фуқаро юртга содиқлик фазилатини сўз билан иш бирлигида, сифатли ва фойдали меҳнатида билдирмоғи лозим.

Хусниддин НОРҚУЛОВ,
тадқиқотчи

ТЎЛДИРИШ

Газетанинг шу йил 15 март сонида чоп этилган, Республика таълим маркази томонидан тақдим этилган "Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари олимпиадасининг якунловчи Республика IV босқичида қатнашувчи ўқувчилар рўйхати"нинг

Биология фани қисми 71-72-қаторлари

71	Қашқадарё в.	Дўстқобилова М.	10	82	Ғузор т.	ихтис.мак-б.	ўзбек	
72	Қашқадарё в.	Авазова Н.	10	76	Қарши ш.	Нуристон а/л.	ўзбек	деб қўшиб ўқилсин

Математика фани қисми 73-74-75-қаторлари

73	Қашқадарё в.	Шерқулов А.	10	80	Ғузор т.	ихтис.мак-б.	ўзбек	
74	Қашқадарё в.	Жалилов И.	10	79	Китоб т.	ихтис.мак-б.	ўзбек	
74	Қашқадарё в.	Бўронов А.	10	76	Яккабоғ т.	1-ихтис.мак-б.	ўзбек	деб қўшиб ўқилсин

Информатика фани қисми 59-қатори

59	Қашқадарё в.	Жовлиев У.	10	76	Китоб т.	1-ихтис.мак-б.	ўзбек	деб қўшиб ўқилсин

Физика фани қисми 59-60-61-қаторлари

59	Қашқадарё в.	Холиқов У.	10	84	Китоб т.	1-ихтис.мак-б.	ўзбек	
60	Қашқадарё в.	Норматов Р.	10	78	Ғузор т.	68-мактаб	ўзбек	
61	Қашқадарё в.	Тиллаев С.	10	76	Қарши ш.	КДУ а/л.	ўзбек	деб қўшиб ўқилсин

Taklifim: yoshlar orasida ma’naviy-ma’rifiy ruhdagi suhbatlarni ko‘proq va mazmunliroq uyushtirish kerakki, salbiy illatlarga moyil talabalar ham majburiy ravishda bo‘lsa-da, ishtirok etishi kerak.

Bir-biriga zanjir halqalaridek bog‘lanib ketgan bu sabablarni yo‘qotish ham, aksincha, “gazak” olib ketishini “ta’minlash” ham o‘z qo‘limizda.

“ОЛМАЙДИГАН” ДОМЛА

“ОЛАДИГАН” ҲАМКАСБИДАН КЎРА ОБРЎ-ЭЪТИБОРЛИДИР

(“Маърифат”, 2003 йил 5 март)

Луқмамиз ҳалолми?

“Олмайдиган” ёки “оладиган” домла масаласида муаллифнинг нуқтаи назарига қўшиламан. “Устоз — отангдай улуғ” деган гапни биз бекорга айтмаймиз. У билимли, доно, қалби тоза, виждонли, оммани билим ва эзгулик сари етакловчи зиёли сифатида ҳамиша эъзозланиб келинган, қаерда бўлмасин, иззат-ҳурмати жойига қўйилган. Ана шу улуғ зот аудиторияга кириб, виждон поклиги, иймон мустаҳкамлиги, ор-номус, одоб ва ахлоқ каби покиза тушунчалар ҳақида сўз юритсаю, танаффусда ёки дарсдан кейин холи жой топиб, ўз шогирдидан пул сўраса, унга таъма қилса, унинг обрўси нима билан ўлчанаркин?

Жамият тараққиётига катта таҳдид солаётган бу юқумли ва хавфли “касаллик”ни даволаш мумкинмикан? Бундай ҳолатга аслида-ку дангаса, ялқов талабалар шароит туғдирса-да, ҳурматли ҳамкасбларимиз мени кечиришсину, улар ҳам сабабчи бўлиб қоляптилар. Шунга имкон яратиш кераккки, талабалар вақти-вақти билан ўз устозлари ҳақида фикр билдирсинлар, муаммоларини очиқ айтишсин, хуллас, ошкоралик бўлсин. Эътироз билдирган, бизнинг нуқсонимизни кўра билган талабадан чўчимайлик, агар унинг фикри тўғри бўлса, ҳаққоний қабул қилайлик.

Қисқаси, “Маърифат” газетасида кўтарилган порахўрлик иллатининг таълим соҳасида илдиз отишига томошабин бўлиб қараб туриш ёки унинг иштирокчисига айланиш, ҳар биримиз учун кечириб бўлмас хатодир.

Ҳ.НУРМАТОВ,
Низомий номидаги ТДПУ профессори

СОҒЛОМ МУҲИТ ҲУКМРОН БЎЛСА

ҳеч қандай номақбул ҳолатларга йўл қўйилмас эди

Олий таълим муассасасида дарс бераётган профессор-ўқитувчиларга нисбатан мақолада кўрсатилган тоифаларга тўлиқ қўшила олмайман. Сабабики, тавсиф уларнинг хулқ-атворидан эмас, балки уларнинг ишга муносабатларидан келиб чиққан ҳолда берилиши керак.

Биринчидан, менинг фикримча, “Бирники мингга, мингники туманга” деган ўлчов билан ҳар қандай олий ўқув даргоҳи ва ундаги устоз-мураббийлар шаънига мағзава ағдариш инсофдан эмас. Агар таълим даргоҳида соғлом муҳит, ўзаро ҳурмат, баҳамжиҳатлик ҳукм сурса, пора олиш ва бериш тугул, уни амалга ошириш ҳақидаги гап-сўзнинг бўлиши ҳам мумкин эмас. Ректорат томонидан профессор-ўқитувчилар ҳисоботи номига эмас, балки ҳаққоний таҳлилга асосланган ҳолда эшитиб борилса, талабалар давомати, ўзлаштириши белгиланган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ташкил этилса, ўз-ўзидан соғлом муҳит қарор топади.

Иккинчидан, билим олишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган талаба баҳосини пулга қўйдирмайди. У оқилона иш тутади, домлага берадиган пулни ўз эҳтиёжи учун сарфлайди. Боқимандалик, эътиборсизлик, пассивлик, лоқайдлик каби қусурларни ўзининг оиласида “шакллантириб” олган ёшлар ҳеч қандай иккиланишсиз, уят-андиша ва истиҳолаларсиз “чап” йўл билан баҳо олиш пайида бўлишади. Улар ҳаромни ҳалолдан, нафсни сабру қаноатдан, таъмани андишадан фарқлай олмайдилар.

Таклифим: ёшлар орасида маънавий-маърифий руҳдаги суҳбатларни кўпроқ ва мазмунлироқ уюштириш кераккки, салбий иллатларга мойил талабалар ҳам мажбурий равишда бўлса-да, иштирок этиши керак.

Абдусаттор АБДУҒАФФОРОВ,
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти биринчи проректори.

КЕНГАШ МУНОСАБАТ БИЛДИРАДИ

Тошкент Молия институти илмий кенгашининг навбатдан ташқари йиғилиши “Маърифат” газетасининг шу йил 5 март сонида босилган “Олмайдиган” домла “оладиган” ҳамкасбидан кўра обрў-эътиборлидир” номли мақолада билирилган фикрларни таҳлил қилиш ва унга муносабат билдиришга бағишланди.

Мақолада газета мухбири олий ўқув даргоҳларида талабалар билан ўқитувчилар ўртасида рўй бериб турадиган зарарли бир иллат, яъни пора олиш ва бериш хусусида ўз мулоҳазаларини билдиради, унинг ўзига хос кўринишларини характерлаб беради.

Илмий кенгаш аъзолари мақола юзасидан сўзга чиқишиб,бу иллатнинг зарарли оқибатлари ҳақида ўз фикрларини билдиришди. Хулосаларимиз эса қуйидагилардан иборат.

Талабалар ва ўқитувчилар ўртасидаги пора бериш ва олиш жамият тараққиётига зид ҳодиса бўлиб, институтимиз раҳбарияти ва кенг жамоатчилик бу иллатнинг рўй бериши учун асос бўладиган вазият ва омилларни бартараф этиш чора-тадбирларини изчиллик билан амалга оширади. Бундан кейин ҳам ножоиз, номақбул хатти-ҳаракатларни қаттиқ назорат остига олиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Зарарли иллат — пора олиш ва беришнинг томир отмаслиги учун,бир томондан ўқитувчиларнинг дарс ўтиш сифатини ошириш керак. Иккинчи томондан, талабаларнинг дарсга қатнашиш даражасини қатъий назорат қилиш лозим. У ҳар куни дарсга келиб турса, ўқитувчи машғулотни юқори савияда олиб борса, жорий, оралиқ назоратлар ўз вақтида, холисона ўтказиб турилса, юқоридаги нохуш ҳолатларнинг камайиши аниқ. Илмий кенгаш бунга доир қўшимча чора-тадбирларни ҳам белгилади.

Пора олишнинг қалтис жиноят эканлигини кўп гапирамизу уни бериш ҳам худди шу даражадаги қилмиш эканлигига эътибор бевермаймиз. Ҳолбуки, дарсларга кам қатнашиб, ўзининг шахсий ишлари билан ўралашиб юрадиган талабалар ҳам борки, улар ҳар қандай ҳолатда сувдан “қуруқ” чиқишади. Бундай талабаларнинг ота-оналари билан суҳбатлашганимизда, аслида уларнинг маънавий жиҳатдан қашшоқ кимсалар эканлигига оиладаги ўша ғамхўрлари сабабчи эканлиги ойдинлашади.

Илмий кенгаш талабалар тарбияси билан кўпроқ шуғулланиш борасида гуруҳ мураббийлари масъулиятини ошириш чора-тадбирларига ҳам аниқликлар киритди. Айни пайтда ёшлар ўртасида ҳуқуқий маълумотни ошириш учун тажрибали юристларни институтга жалб қилиш ва уларнинг маърузаларини уюштириш режалаштирилди.

Аҳмаджон ЭШОНҚУЛОВ,
Тошкент Молия институти “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” кафедраси доценти.

АЙТСАМ, ЁҚА УШЛАЙСИЗ...

Тўғрисини айтсам, ушбу мавзу мени ҳам анчадан бери қийнарди. Юрагимдаги дардни ўқиб, чуқур тин олдим. Бундан беш йил муқаддам мен ҳам талаба эдим. Биз билан бирга ўқиганлар орасида, асосан, тўлов-контракт асосида таълим оладиган курсдошларимиз пулнинг “бетига” қарашмасди. Бели оғримаган пулнинг қадрига етармиди?

Ўқишни тугатганимга анча йиллар бўлгани боис, кўз ўнгимдан талабалик йилларим ўта бошлайди. Қарши Давлат университетидаги бир талай домлалар ҳам олишарди. Математикадан бир домламиз бўларди, исмини сир тута қолай, ўзи олмасдию, бир “шогирди” орқали яхшигина ундирарди. Худди мақолада келтирилганидек, ҳар бир баҳонинг “ставкаси” бўларди. Бермасангиз, баҳо ололмасдингиз. Ставкаларини эшитсангиз, ёқа ушлайсиз: 20 минг сўмдан 30 минг сўмгача... Давлат имтиҳонларини айтмасангиз ҳам бўлаверади, ҳаттоки домлалардан бири ўз ўғлидан ҳам пул олганини эшитганмиз.

Шартнома асосида ўқийдиган талабаларнинг гўёки тили бир қарич. Пулини тўлаб қўйгач, дарсга келмаса ҳам ҳеч ким уларнинг мушугини “пишт” деёлмайди, пул дегани чангалда шўрва бўлгач, кўнглига келган ишни қилаверади.

Хулосам шулки, “Маърифат” газетасида кўтарилган муаммо бутун республика миқёсида муҳокама қилишга, чоралар белгилашга ва олий таълим муассасаларида қатъий тартиб ўрнатилишига асос бўлади. Шундай қилиш кераккки, “олмайдиган” домлалар кўпайсин, хуфия равишда ўқитувчиларни йўлдан оздирадиган талабаларга эса ҳеч қаерда ўрин бўлмасин.

Гуландом ЭШҚУЛОВА,
Деҳқонобод туманида яшовчи собиқ талаба.

Aks-sado

БАЛИҚ БОШИДАН...

Мақолани синчиклаб ўқиб чиқдим. Муаммо-ку, тўғри, ҳаққоний кўтарилган. Лекин ўзининг бутун умри мобайнида илм-маърифат тарқатишдек эзгу амал билан машғул бўладиган касб эгаларининг порахўрлик, таъмагирликка ружу қўйиши уларнинг барчасига ҳам хос эмас. Уларнинг юзини “қора” қилаётганлар аслида кимлар, мақолада бунга са-ал ишора қилиб ўтилган. Менимча, муаллиф мавзуни яна ҳам чуқурлаштириши мумкин эди.

Бой-бадавлат, “бақувват” ота-оналар ҳам фарзандини қандай йўллар билан бўлсада, нуфузли олий ўқув юртларидан бирига жойлаб қўйишга ҳаракат қилади ва кўп ҳолларда бунинг уддасидан ҳам чиқишади. “Бақувват” талабанинг, қўпол бўлса ҳам айтай, подадаги тирраки бузоқдан асло фарқи йўқ. Курс сардорини домла билан “тил” топишишга ўргатувчилар ҳам аслида шулар. Сардор кимга “5”, кимга “4” баҳо бўлишини олдиндан белгилаб, “информация”ни ўқитувчига етказади. Ҳатто шундай ҳолатлар ҳам бўладики, айрим гуруҳларда маъруза ва амалий машғулотларга кам қатнашган ёки умуман келмаган талабалар устидан деканатга билдирги ёзган ўқитувчиларга нисбатан баъзи “бойвачча” талабалар тазйиқ ўтказишгача ҳам борадилар.

Қани эди, мақолада келтирилганидек, барча талабалар биринчи гуруҳга мансуб бўлишса. Улар баҳони пулга қўйдириш ҳақида ўйламайдилар ҳам. Ўз билимини исботлашга интилган,маъруза, амалий-семинар машғулотларида фаол иштирок этган бундай талабалар кўпроқ балл тўплашга ҳаракат қилади, ўқитувчи берган топшириқларни виждонан бажариб боришади. Ўз ҳақ-ҳуқуқи учун курашувчи, талашиб-тортишувчи бундай талабаларга устоз-мураббийларнинг ҳам ҳурмат-эътибори баланд.

Ҳамиша ҳам барча ўқитувчиларни бирдай қоралаш ёки пора олишда айблаб бўлмайди. Халқимизда “Балиқ бошидан чирийди” деган нақл бор. Чақириққача ҳарбий таълим ва жисмоний тарбия,мусиқа-педагогика, бадиий графика, актёрлик, журналистика каби ихтисосликларда ижодий имтиҳон яъни оғзаки, ёзма синовлар жорий қилинган бўлиб, абитуриентлар 111,6 баллгача тўплашлари мумкин. Аввалдан “гаплашилган” абитуриент ижодий имтиҳондан 105 ёки 108 балл олса, қолган иккита фан бўйича жилла қурса, бўлмаса 20-30 балл олса бўлди, талабаликка юз фоиз “гарантия”. “Маъмурият рўйхати”га кирмаган (ҳатто ота-онаси ўша даргоҳда ишласа-да, ректорат олдидан ўтмаса) абитуриентнинг ижодий имтиҳондан оладиган бали 20-30, борингки, 40 баллдан нарига ўтмайди. “Келишувчилик” йўли билан ўқишга жойлашиб олган бу тоифадаги талабалар якуний назорат топширишда ҳам худди шундай йўлни ахтаришига барчамиз гувоҳмиз.

Қисқасини айтганда, газетада кўтарилган ва ҳаётда рўй-рост учраётган муаммонинг келиб чиқиш сабаблари жуда кўп. Бир-бирига занжир ҳалқаларидек боғланиб кетган бу сабабларни йўқотиш ҳам, аксинча, “газак” олиб кетишини “таъминлаш” ҳам ўз қўлимизда. Шундай экан, “касаллик”ни илдизи билан қўпориб ташлашимиз керак. Бунинг йўли битта: назорат ва яна назорат. Айрим ҳамкасбларимизнинг фикрича, ўқитувчининг маоши озлиги гўёки уларни “олишга” мажбур қилади. Лекин “оладиган” домла, маошини ошириб қўйган тақдирингизда ҳам, ими-жимида ўз ишини бажаришини кўз олдингизга келтириб кўринг. Мен шу ўринда мақола муаллифининг оқилона сарлавҳа топганига ҳам тан бераман. Ҳақиқатан ҳам, “олмайдиган” домла нафақат талабалар олдида, балки таълим даргоҳида ҳам ардоқланади.

Т.СУЛТОНОВ,
Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети доценти, фалсафа фанлари номзоди

МУАММОЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ БОШ ВАЗИФА

Boshqaruv kengashida

Бугун мамлакатимизда таълим тизимини янада такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор берилиб келинмоқда. Хусусан, мамлакатимиз таълим тизимининг ўрта бўғинида янги академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг барпо этилиши, ушбу таълим тизимини тубдан яхшилаш, бу борада давлат таълим стандартларини яратиш, замонавий педагогик технологияларни жорий этиш, педагог кадрларни қайта тайёрлаш, таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, халқаро алоқаларни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Туб ислоҳотлар кечаётган мана шу давр мобайнида ўқувчи-ёшларга замонавий билим бериш, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари учун дарслик ва ўқув қўлланмаларининг янги авлодини яратиш, ЎМКҲТ муассасалари ўқувчиларининг республика ва халқаро фан олимпиадаларида муваффақиятли иштирок этишини таъминлаш, ривожланган мамлакатлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ва бошқа йўналишларда қувонарли ишлар амалга оширилаяпти.

Лекин, мана шундай ютуқлар билан бирга мазкур тизимда ечимини кутаётган муаммолар, бартараф этилиши лозим бўлган камчиликлар ҳам йўқ эмас. Хусусан, давлатимиз томонидан кўплаб маблағлар эвазига бунёд этилган, барча шарт-шароитларга эга бўлган муҳташам биноларда таҳсил олишлари учун ўқувчи-ёшларни жалб этиш масаласи бугунги кун талабига жавоб бермайди. Масалан, 2002-2003 ўқув йилида ЎМКҲТ муассасаларига қабул қилинган ўқувчилар сони 193 минг нафарни ташкил этди. Ваҳоланки, бу умумий ўрта таълим мактаблари битирувчиларининг эллик фоизига ҳам тўғри келмайди. Баъзи таълим муассасалари ўқув жараёни учун зарур анжомлар билан жиҳозланмаган, айниқса, ўқув-ишлаб чиқариш устахоналари бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Бунинг асосий сабаби, уларнинг ажратилаётган маблағларни ўз вақтида ўзлаштира олмаётганликларидадир. Маиший хизмат, маданият ва санъат йўналишларидаги касб-ҳунар коллежларида аҳвол қониқарли эмас. Айниқса, фанлар бўйича ўтказилаётган олимпиадаларда академик лицейлар ўқувчиларининг олаётган ўринлари талаб даражасида эмас.

Ўтган ҳафта якунида Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази Бошқарув кенгашининг Фарғона вилоятида бўлиб ўтган сайёр йиғилишида Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, Марказ раҳбари Жуманазар Ҳусанов шу ва шу каби камчилик ва муаммоларга алоҳида тўхталиб, уларни тез фурсатда бартараф этиш бугунги куннинг муҳим вазифаси эканлигини таъкидлаб ўтди. Йиғилишда Самарқанд, Наманган вилоятлари, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий ЎМКҲТ бошқармалари бошлиқлари М.Холмуҳамедов, Ҳ.Убайдуллаев, М.Азимов ва Д.Ўтабоевлар ҳам сўзга чиқишиб, ана шундай камчилик ва муаммоларни бартараф этиш борасидаги тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

Бошқарув кенгашида Самарқанд ва Жиззах вилоятлари таълим муассасаларида вояга етмаган ўқувчилар ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар таҳлили, Давлат таълим стандартларининг Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари таълим муассасаларида жорий этилиши каби қатормасалалар ҳам муҳокама этилди.

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлар ҳудудий бошқармалари бошлиқлари, водийдаги ЎМКҲТ муассасалари раҳбарлари иштирок этган Бошқарув кенгаши кун тартибида кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

Акромжон ТУРСУНАЛИЕВ,
“Ma’rifat”нинг махсус мухбири

“ҲАЁТ ХАВФСИЗЛИГИ АСОСЛАРИ” ФАНИНИ КИМ ҚАНДАЙ ЎҚИТАЯПТИ?

Mutaxassis minbari

Ҳозирги кунда таълим тизимида “Ҳаёт хавсизлиги асослари” фанини ўқитиш концепцияси ишлаб чиқилиб, у Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Соғлиқни сақлаш ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари томонидан тасдиқланган. Концепцияда ҳаёт хавсизлиги бўйича мактабларда, коллеж-лицейларда нималарни, қай тарзда ўқитиш, қандай дастурлар ишлаб чиқиш, таълим тизимида фуқаро муҳофазасига масъул ходимларни ва ўқитувчиларни қаерда-қандай тайёрлаш, ўқитишнинг моддий-техника базасини яратиш каби асосий вазифалар ишлаб чиқилган.

“Ҳаёт хавфсизлиги асослари” фанининг бош мақсади, аввало, ўқувчиларда ўзлари ва атрофдагиларнинг хавфсизлигига онгли ва масъулият билан ёндошиш ҳиссини шакллантириш бўлса, иккинчидан, ўз ҳаётлари ва саломатликларини сақлаш, шикастланганларга биринчи ёрдам кўрсатиш малакасини ҳосил қилишдан иборат.

Ушбу фаннинг вазифаси — умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларига ҳаёт хавфсизлиги бўйича назарий билимлар бериш ва шу асосида олган кўникма, малакаларга таяниб, экстремал вазиятларда тез ва аниқ амалий ҳаракат қилишга ўргатиш.

“Ҳаёт хавфсизлиги асослари” предметини ўзлаштирган ўқувчилар: кўча ва йўлларда, жамоат транспортида, турар-жойларда юз бериши мумкин бўлган ҳодисалар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва хавфсизлик қоидаларини, ёнгиндан муҳофазаланишда, криминоген турдаги ҳодисаларда ўзини тута билишни, ўзлари яшаб турган жойда табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятлар юз берганда нима иш қилишни ҳамда сурункали, юқумли касалликлар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва олдини олиш йўлларини билишлари зарур.

Бу фанни 5-синфлар учун 34 соатлик дастур асосида ўқитиш методикасини яратиш ва ўқув жараёнига тадбиқ қилиш мақсадида 1999-2000 ўқув йилидан бошлаб Фуқаро муҳофазаси институти Чилонзор туманидаги 131-ўрта мактаб билан ўзаро ижодий ҳамкорлик олиб бормоқда. Хусусан мактаб ўқувчилари учун институт томонидан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Сейсмология институти профессор ўқитувчилари ҳамда етакчи ходимлари билан “Зилзила хавфи, унинг олдини олиш муаммолари ва хавфсизлик чоралари” мавзусида учрашув ўтказилди. Шунингдек, “Кимёвий заҳарли моддалар ва инсон ҳаётини улардан муҳофаза қилиш тадбирлари” мавзусида семинар, Республика “Нажоткор — қутқарув маркази”, Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси “050” қутқарув хизмати ходимлари билан бевосита мулоқотлар ташкил этилди. Бу тадбирлар ўқувчиларнинг фанга бўлган қизиқишини янада оширди.

Кези келганда шуни айтиш, кераки, Халқ таълими тизимидаги асосий муаммолардан бири “Ҳаёт хавфсизлиги асослари” бўйича махсус ўқитувчиларни тайёрлашдан иборат.

Бинобарин, умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчилари вилоятлардаги Фавқулодда вазиятлар бошқармалари раҳбар ходимлар таркибини тайёрлаш марказида махсус дастурлар асосида тайёргарликдан ўтиб, ўқитиш усуллари ва амалий машғулотлар ўтказиш бўйича етарли билимларни олишлари керак.

Муаммолардан яна бири дастурлар ишлаб чиқиш ва улар асосида дарсликлар яратишдир.

“Ҳаёт хавфсизлиги асослари” фанини халқ таълими тизимида ўқитиш учун қатор ўқув дастурлари ишлаб чиқиш талаб этилади. Ўқув дастурлари вилоят, туман халқ таълими фуқаро муҳофазасига масъул ходимларнинг малакасини ошириш учун халқ таълими бошқарма ва бўлимларида, ўз тасарруфидаги мактабларда “Ҳаёт хавфсизлиги асослари” курсини ўқитишни ташкиллаштириш ва бошқаришни амалга оширишни эътиборга олган ҳолда тузилиб, унда фуқаро муҳофазаси асосларининг назарий томонлари, ўқитувчиларга услубий ва амалий ёрдамлар кўрсатиш муаммоларини ўз ичига олади.

Мактаб ўқитувчиларини қайта тайёрлаш учун ўрта мактабларда фанни ўқитиш бўйича малака ошириш курси дастурини тайёрлаш ва ундан ўқитиш усуллари, амалий машғулотлар ўтказиш, синф хоналарини жиҳозлаш, кўргазмали қуроллардан фойдаланиш, конкурс ва кўрик-танловлар ўтказиш, мутахассислар билан учрашувлар ташкил қилиш тадбирлари ўрин олиши керак.

Умумий ўрта таълим мактаблари учун ҳозирда мавжуд бўлган дастур асосида фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш минимум талабларини ўз ичига олган ҳамда бошқа фанлар билан ўзаро боғланган янги дастур ишлаб чиқиш талаб этилади.

Ўқитиш дастурлари ва услубларини яратишда ўқувчиларнинг ҳар бир синфда ўқитиладиган фанлардан олган билимлари ва атрофда юз бериши мумкин бўлган фавқулодда вазиятлар эътиборга олинади. Назарий билимлар беришда махсус синфлар ташкил этилиб, дастурдаги мавзуларга мос видеофильмлардан ва шеърий тўпламлардан фойдаланиш ўқувчиларнинг ўзлаштиришларига катта таъсир кўрсатади. Амалий билимларни бериш учун эса, махсус фуқаро муҳофазаси майдончалари ташкил этилиб ўқувмашқ машғулотлари олиб борилади. Ўқувчиларнинг олган билимларини назорат қилиш учун кўрик-танловлар, ҳаёт хавфсизлиги кунлари ўтказилиб борилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб “Ҳаёт хавфсизлиги асослари” курсини мустақил фан сифатида шакллантириш, инсон хавфсизлигини таъминлашдаги асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилади. Зеро, бу фан маънавий-маърифий фанлар туркумига киради. Чунки бу фанда инсонпарварлик, инсонларни энг оғир кунларда бир-бирларига ёрдам бериши, маданий бойликларни сақлаш, ўзини ва ватанини муҳофаза қилиш каби билимлар берилди.

Э.ТУРДИҚУЛОВ,
педагогика фанлари доктори, профессор.
С.ҲУСАНОВА,
Фуқаро муҳофазаси институти ходими

ОНА КЎНГЛИ БЕКОРГА БЕЗОВТАЛАНМАЙДИ

Ma’rifatsiz kishilar

Ойбек Аҳмаджонов 1970 йилда Асака туманидаги Меҳнатобод мавзесида туғилган. Оилали, икки нафар фарзанди бор. Ўғирлиги учун икки марта судланган. Ҳалигача бирон юмушнинг бошини тутгани йўқ. Саёқ юргани юрган. Бу нусханинг 9-синф ўқувчиси Азиз Эгамовда нима юмуши бўлиши мумкин? Яна тунда излаб келгани-чи?

Шарифахон ая бу бехосият йўқловнинг сабабини ўғлидан сўради. Тайинли жавоб ололмагач, 49-мактабга борди. Ўқитувчилардан ўғли Азизбекнинг ўқиши, юриш-туриши, хулқи тўғрисида сўраб-суриштирди. Мактаб жамоаси боладаги салбий ўзгаришларни, дарсларга тўлиқ қатнашмаётганини айтишди. Она сергак тортди. Кўнгли безовта бўла бошлади. Уйқуси қочди, тушлари бузилди.

Кечки овқатга фотиҳа ўқилгач, Азизбек кийина бошлади.

— Йўл бўлсин, болам, — деди Шарифахон ўғлининг бўй-бастига, қоматига ҳаваcланиб.

— Илёс билан Нозим кўчада кутишяпти. Намуна деган қишлоқдан ўтин олиб келар эканмиз. Шунга мени ёрдамлашиб юбор, дейишганди.

— Ўтинни кундузи олиб келса бўлмас эканми? — таажжубда қолган онанинг қошлари чимирилди.

— Жа, қизиқсизда, ойи. Кундузи кимни қўли тегади. Бўйнига шарфини ўрар экан, овози кўтарилди: — Нега тергайверасиз, мен сизга қиз боламанми?!

Шарифахон шартта ўрнидан турди, эшикни тўсди.

— Ҳозир ҳеч қаёққа бормайсан! Тамом-вассалом!

Азизбек бир силтов билан ўзини эшик ташқарисига олди.

— Сўз берганман, ойи! Хавотир олманг, тезда қайтаман.

Тун. Намуна қишлоғи яқинидаги дала йўлида тўрт шарпа оҳиста одимлаб боришяпти. Симёғоч ёнига келганда Ойбек тўхтади.

— Бир ҳафтадан бери мўлжаллаб шу ерни танладим, тунда бу ерда умуман қатнов бўлмайди, — деди Ойбек. — Мана шу симларни узамиз. Минг метр ўмарсак, марра бизники. Харидор топиб қўйганман. Ҳар бир метрига 40 сўмдан нақд тўлайди. Мен қирқаман, сенлар йиғиштирасанлар.

Кўзлари совуқ чақнаган Ойбек олдиндан тайёрлаб қўйган сим қирқувчи асбобини белига қистирди. Чаққонлик билан симёғочни қучоқлаб, юқорига тирмашди.

Азиз, Нозим, Илёслар ерда илондек биланглаб ётган симларни йиғиштиришга тутиндилар...

Яқинда жиноий ишлар бўйича Асака туман суди Муҳайёхон Турдиева раислигида мазкур жиноят ишини кўриб чиқди. Судда бир гуруҳ сим ўғрилари — О.Аҳмаджонов, З.Отақулов, Н.Омонбоев, Ҳ.Додхобоев, А.Эгамов, И.Ҳайдаровлар томонидан 2002 йил 11 феврал куни 600 метр, 27 апрель куни 900 метр, 19 июнь куни 280 метр “БСА 5.1” русумли алюмин симини ўғирлашган, унинг бир қисми Меҳнатобод мавзесида истиқомат қилувчи Т.М. исмли шахсга сотилганлиги, ўғирлик молдан келган даромад улар ўртасида тақсимланганлиги очиб ташланди. Суд ҳайъати ўғрибошилар — О.Аҳмаджоновни 8 йилга, З.Отақуловни 7 йилга озодликдан маҳрум этди. Н.Омонбоев билан Х.Додхобоевлар ҳам қилмишига яраша жазосини олишди.

Шунингдек, А.Эгамов, И.Ҳайдаровларга нисбатан жазо тайинлашда уларнинг вояга етмаганлиги, муқаддам судланмаганлиги, қилмишига тўла иқрорлиги ва пушаймонликлари эътиборга олиниб, уларни жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялаш мумкин, деб ҳисоблаб, 3 йил синов муддатини раво кўришди.

Ш.Эгамова суд залидан елкасидан тоғ қулагандек бўлиб чиқди. Ўғли Азизбекни қамалмай қолганлиги учун шукур қилди. Юраги бекорга безовта бўлмаганлигини тушуниб етди. Ва ўғлининг ҳар бир қадамини кузатиб юришга қарор қилди.

Абдулаҳад ЎРМОНОВ,
Асака туманидаги 7-мактаб ўқитувчиси

Gazetamiz tahrir hay'ati a'zosi, iste'dodli shoir Sa'dulla Hakim shaxmat bo'yicha sport ustasi, taniqli shaxmatchi Akram Toshxo'jayevni mag'lub etdi.

Ikki hafta davom etadigan shahar bosqichida yangi-yangi sportchilarimiz kashf qilinib, final bosqichi o'tadigan Xorazm shahriga yo'llanmani qo'lga kiritadilar. Biz ularga faqat omad tilab qolamiz.

КОИДЗУМИ БУШ ТАРАФДОРИ

"Рейтер" агентлигининг хабар беришича, Япония ҳукумати АҚШ президенти Жорж Бушнинг Саддам Ҳусайнга қўйган ультиматумини қўллаб қувватлаган. Мамлакат бош вазири Дзюньитиро Коидзумининг айтишича, Жорж Буш масалани ҳал этиш учун барча чораларни қўллаган. Ва самара бўлмагач, шундай қарор қабул қилишга мажбур бўлган. Воқеаларнинг ривожи эса Саддам Ҳусайнга боғлиқ.



Айни пайтда Осиёнинг энг ривожланган давлати Япо-нияда АҚШ ўз ҳарбий базасига эга.

ТИББИЙ ДОРИ СИФАТИДА

Нидерландияда марихуана ўсимлигидан тиббий дори сифатида фойдаланишга рухсат берилди. Фармакология давлат қўмитаси шифокорларга бу ўсимликдан тайёрланган дориларнинг саратон хасталиги билан оғриган беморларга тавсия этишларига рухсат берди. Мутахассисларнинг фикрича, марихуана саратон билан касалланганларнинг иштаҳасини очади ва кўнгил айнишларининг олдини олади. Нидерландия парламенти марихуанадан тиббий препарат сифатида фойдаланиш учун 2001 йил қонун қабул қилган эди. Бироқ, шу пайтгача Фармакология қўмитаси шифокорларнинг рецептларига марихуана киритилишини таъқиқлаб келганди.

МАЙКЛ ЖЕКСОН ЖАРИМА ТЎЛАЙДИ

Поп мусиқаси қироли Майкл Жексон ўз промоутери Марсел Аврамга 5,3 миллион доллар тўлайди, дея хабар беради CNN агентлиги. Ёдга олсак, қўшиқчи ва промоутер ўртасида 1999 йилнинг бошида шартнома тузилган. Ва унга мувофиқ Майкл Жексон 2000 йил арафасида Сидней саҳнасида янги йил концерти ўтказиши, сўнг Гавайи оролларига бориб, у ерда ҳам худди шундай концерт уюштириши керак эди. Бироқ, Аврамнинг судга берган даъво аризасида ёзишича, Жексон орадан 4 ой ўтиб ўзининг чиқишларини рад этган ва бунга студия ишларини ташкил этишни сабаб қилиб кўрсатган. Аризани кўриб чиққан суд ҳайъати эса Жексоннинг Аврамга етказган зарари учун 5,3 миллион доллар тўлаши ҳақида қарор қабул қилди. Промоутерининг ўзи эса ушбу суммани 25 миллион атрофида бўлиши керак дея ҳисоблаётганди.

ҲОКИМИЯТ БИНОСИДА ОҚ АЙИҚ

Чукотка марказидаги Анадирда жойлашган шаҳар маъмурият биносига адашиб оқ айиқ кириб қолди. Воқеадан хабар топган фуқаро муҳофазаси ва фавқулодда ҳолатлар бошқармаси ходимлари ёввойи ҳайвонга нисбатан вездеход (ҳар қандай жойда юра оладиган автомашина)дан фойдаланганликлари боис, айиқ қўрққанидан шаҳардан қочиб чиқиб кетган. Бундай ҳолат жорий йилда биринчи бор кузатилаётгани йўқ. Мутахассисларнинг фикрича ёз фаслида музларнинг қирғоқдан узоқлашиб кетишлари боис, оқ айиқларнинг овқат топиб ейишлари қийин кечади ва улар аҳоли яшовчи пунктларга келишга мажбур бўладилар.

ЯНГИ ДОЛЛАРНИ СОХТАЛАШТИРИШ ҚИЙИН

АҚШ молия вазирлигининг маълум қилишича, янги долларнинг муомалага чиқарилиши боис, унинг қалбаки кўринишини ишлаб чиқариш сезиларли даражада камайган. 2001 йил муомаладаги 600 млрд. долларга 49 миллион доллар сохта пуллар тўғри келган. Ўтган йили эса сохта пуллар миқдори 44,4 миллионни ташкил этган эди. Ушбу жиноят доирасида ҳозиргача 5 мингдан ошиқроқ киши ҳибсга олинган ва 650 та яширин лабораториялар йўқ қилинган.



1996 йилдан чиқарила бошланган 100 долларликнинг янги авлодлари бугунга келиб ўзининг сохта кўринишларини анчагина чеклаб қўйди.

ЯНГИ КАСАЛЛИК ПАЙДО БЎЛДИ

Бугун дунё шифокорлари ўпка яллиғланиши касаллигини эслатувчи янги пайдо бўлган хасталик устида бош қотирмоқдалар. Негаки, Исроилда ушбу номаълум касаллик боис 9 киши, Канадада 2 киши, Хитойда 5 киши ҳалок бўлди. Осиёда пайдо бўлган, дея айтилаётган бу касаллик билан Сингапур, Гонконг, Вьетнам давлатларида ҳам кўпчилик оғриган. Германия ва Англияда ҳам ана шу хасталиккa чалинган 6 киши рўйхатга олинди. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти эса мазкур янги касаллик катта талофатлар келтиришидан хавотирланмоқда.

Тошкент давлат авиация институти раҳбарияти ва касаба уюшмаси жамоаси институтининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик бўйича проректори Д.Ходжибергеновга отаси

Турғанбек ота ХОДЖИБЕРГЕНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор қилади ва ҳамдардлик билдиради.

УЛЬТИМАТУМ МУДДАТИ ТУГАБ БОРМОҚДА

Якшанба куни Португалиянинг Азор оролларида АҚШ, Буюк Британия, Испания ўртасида бўлиб ўтган Ироқ муаммоси ҳақидаги саммитни дипломатия вакиллари бу борадаги энг сўнгги музокаралар жараёни дея баҳолашган эди. Шундан сўнг маҳаллий вақт билан душанба куни 20^{00} (москва вақти билан сешанба куни 04^{00})да телевидение орқали чиқиш қилган АҚШ президенти Жорж Буш Саддам Ҳусайн ва унинг ўғилларига мамлакатдан 48 соат ичида чиқиб кетишлари учун вақт берилишини маълум қилди. Оқ уй марказий залидан Бушнинг телечиқиши 15 дақиқа давом этган. Унинг айтишича, Саддам Ҳусайн тузуми 10 йилдан буён дунё ҳамжамиятини алдаб келади. Агарда қўйилган шарт бажарилмаса, у ҳолда ҳарбий операциялар бошланади. Ва ҳарбий кампания Ироқ хал-қига эмас, балки давлатни бошқариб турган қонундан ташқаридаги шахсга қаратилади. "Золим раҳбар тез фурсат ичида йўқ қилинади. Сизларнинг озод кунларингиз эса яқиндир", дея ироқликларга қарата гапирган Оқ уй бошлиғи.



Шунингдек, Ироқ ҳарбийларини ҳам эътибордан четда қолдирмаган Буш жаноблари, уларни умри тугаб бораётган тузум учун курашмасликларини, бу нарса уларнинг ўз ҳаётларидан кечишларига арзимаслигини таъкидлаган ҳамда Ироқ халқига тегишли бўлган бойликларни — нефть заҳираларини ёқиб юбормасликка ва оммавий қирғин қуролларини ишга солиш ҳақида берилажак буйруқларни бажармасликка чақирган. Чунки, ҳарбий жиноятларда айбланганларнинг барчаси жазога тортиладилар.

Шу тариқа якун топган Жорж Бушнинг чиқишидан сўнг, CNN телеканали ҳарбий амалиётлар чоршанба ёки пайшанба куни бошланиши мумкинлигини тахмин қилган.

Айни пайтда Форс кўрфазида 211 минг америкалик ва 64 минг британиялик аскарлар уруш бошлаш учун буйруқ кутмоқдалар. Шунингдек, уларнинг ихтиёрида 600 та жанговар самолётлар ва 2600 та танкларнинг борлиги иттифоқчилар Ироқ армиясига нисбатан анча кучли эканлигини билдиради. Экспертларнинг фикрича, операцияларнинг биринчи икки кунида 300 та бомба ва қанотли ракеталар ишга солинади. Пентагон ташкилоти эса амалиётларнинг ортга сурила бориши, ўз аскарларига иссиқ ҳаво остида чўлларда ҳаракат қилишларига тўғри келишидан хавотирланмоқда. Бундан ташқари Австралия ҳам кўрфазга ўз қўшинларини юборишга тайёрланмоқда. Туркия эса ўз ҳудудига америкаликларнинг киритилишини кўриб чиқмоқда.

Масаланинг тинч йўл билан ҳал этилиши учун 1991 йилдан буён Ироққа нисбатан қўллаган ўндан ортиқ резолюциянинг тўлақонли бажарилишига эриша олмаган БМТ эса Ироқда турган ўзининг 200 га яқин инспекторларини олиб чиқиб кетди.

Нишон марказида турган Саддам Ҳусайн ҳам ўз навбатида мамлакатда уруш даврини эълон қилиб, 4 та ҳарбий округ тузган ва шу асосда ташқи хавфдан ҳимояланишни режалаштирган. Пойтахтни ҳимоя қилувчи Революцион гвардияга ўз ўғли Кусаяни қўмондон этиб тайинлаган. Тахминий маълумотларга кўра, Ироқ аскарларининг сони 435-445 минг атрофида.

ЯКУНИЙ БОСҚИЧГА БИР ҚАДАМ

АСТОЙДИЛ КУРАШИШДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ватан равнақи, эл-юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги учун қалб қўри, куч-қудратини бахшида этадиган, ҳар жиҳатдан баркамол фарзандларни вояга етказган юртнинг келажаги буюкдир. Бундай юрт жаҳон жамиятида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлади.

Давлатимиз раҳбарининг ёшларни ана шундай олийжаноб мақсадлар руҳида тарбиялашга қаратилган улкан саъй-ҳаракатларининг дастлабки натижаси ўлароқ, мамлакатимизда ёш авлодни камол топишига йўналтира оладиган самарали жисмоний тарбия ва спорт тизими шаклланди.

Мазкур тизим Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларига ҳамоҳанг бўлиб, у ёшларни жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига мунтазам жалб қилишни таъминлайди.

Оммавий спортни ташкил қилиш таркиби бир неча бўғинлардан иборат бўлиб, унинг биринчи бўғинини "Умид ниҳоллари" ташкил қилади.

Ўтган ҳафта эса Тошкент шаҳри мактабларининг 8-11-синф ўқувчилари ўртасидаги "Умид ниҳоллари" спорт мусобақасининг III-босқичига "Жар" спорт ва соғломлаштириш комплексида старт берилди.

Бу ёшлар ўртасида катта турнир сифатида қабул қилинди. Очилиш маросимида, мусобақага бириктирилган мутасадди вакиллар ҳам иштирок этди.

III босқич мусобақаларида ўзларини спортда синаётган туман мактаб ўқувчилари бирин-кетин майдонда ўз ўринларини эгаллашди.

Биз шу ерда бу жамоаларнинг 2002 йил Фарғона шаҳрида ўтказилган финал босқичида эришган ютуқларига бироз тўхталиб ўтсак.

Майдонга дастлаб А.Икромов тумани жамоаси ташриф буюрди. Шу тумандан ўтган йили 14 та ўқувчи иштирок этиб, 6 та олтин, 5 та кумуш медални қўлга киритишган. Бектемир туманида футбол, теннис, бокс, таэквандо спорт турлари ривожланган бўлиб, Республика ва халқаро мусобақаларда 24- ва 25-спорт мактаблари ўқувчилари юқори натижаларга эришганлар. Мировод тумани ўтган йили "Умид ниҳоллари" мусобақаларида энг кўп медални қўлга киритган туман саналади. Сузиш, волейбол, баскетбол, енгил атлетика, шахмат бўйича туман ўқувчилар 23 та олтин, 17 та кумуш, 5 та бронза медали соҳиблари бўлишган.

М. Улуғбек туманидан енгил атлетика, теннис, стол тенниси, баскетбол турларида иштирок этган ўқувчилар 9 та олтин 3 та кумуш ва 3 та бронза медалини қўлга киритганлар. С.Раҳимов тумани баскетбол бўйича ўғил ва қиз болалар жамоалари 2 та олтин медални қўлга киритган. Сирғали тумани эса, кураш, қўл тўпи, сузиш спорт турлари бўйича шаҳримиз терма жамоасига аъзо ўқувчилари 4 та олтин ва иккита кумуш медали совриндори бўлишган. Ҳамза туманидан футбол, енгил атлетика, қўл тўпи, баскетбол спорт турларида иштирок этган ўқувчилар 11 та олтин, 10 та кумуш ва 2 та бронза медалларини қўлга киритган. Чилонзор тумани баскетбол, футбол, қўлтўпи, енгил атлетика, спорт турлари бўйича энг кўп 26 та олтин медални қўлга киритган шу билан бирга 7 та кумуш ва 2 та бронза медали соҳиби бўлган. Юнусобод туманидаги енгил атлетикага ихтисослашган биринчи спорт мактаби шуғулланувчилари ўтган йилги мусобақаларда 6 та олтин , 3 та кумуш, 4 та бронза медаллари соҳиби бўлганлар. Яккасарой тумани жамоаси эса, қўл тўпи, футбол, волейбол, шахмат спорт турлари бўйича 12 та олтин, 19 та кумуш медални қўлга киритганлар.

Бу йил 2002-2003 ўқув йилидаги 1-4, 5-7 ва 8-11-синфлар ўртасида ўтказилган "Умид ниҳоллари" спорт мусобақасининг 1 босқичида 337211 нафар, 2 босқичида 69410 нафар ўқувчилар иштирок этиб, 3 босқичида 1654 нафар бола қатнашмоқда. Ҳамма иштирокчилар кўтаринки руҳда мусобақани бошлашди.

Икки ҳафта давом этадиган шаҳар босқичида янги-янги спортчиларимиз кашф қилиниб, финал босқичи ўтадиган Хоразм шаҳрига йўлланмани қўлга киритадилар. Биз уларга фақат омад тилаб қоламиз.

Шерзод АҲМАТОВ,
"Маърифат" мухбири
Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

"Умид ниҳоллари"нинг аввал ҳикоя қилганимиз I-II босқичларида ўқувчиларимиз уюшқоқлик, катта интилиш билан беллашувларда иштирок этган эдилар. Бу сафар бошланган III босқич 8-11-синф ўқувчилари иштирокида бўлиб ўтаётган мусобақаларда эса болаларнинг алоҳида тайёргарлик кўрганликлари ва ғалабага интилиш кучлилиги шундоққина кўриниб турибди. Ёш спортчилар беллашув жараёнида ғолиб бўлмасада, бор имкониятини ишга солиб, маҳорат билан ўйин кўрсатдилар. Чунки, ҳакамлар ҳайъати 4-босқичда иштирок этадиган спортчиларни саралаш жараёнида қайси иштирокчининг қандай усуллар, ўзгача жиҳатлар билан ўйнаётганлигини, унинг ўйин давомидаги руҳий ҳолати ва ўзини тутиши каби нозик жиҳатларга ҳам эътибор берган ҳолда танлайдилар. Ҳар бир иштирокчи эса табиийки, беллашувларнинг мамлакат миқёсидаги финал босқичида қатнашишни ва ғолиб бўлишни истайди. "Умид ниҳоллари" спорт беллашувларининг қанчалик аҳамиятлилигию ёш спортчиларга нималар беришини болаларнинг ўзлари ҳам, халқимиз ҳам яхши тушуниб қолишди. Шунинг учун бўлса керак пойтахтимизда 16 март куни бошланган "Умид ниҳоллари" спорт беллашувларининг 3-босқич шаҳар беллашувларида бошланган "ақлни чархловчи" шахмат мусобақасида туманлардан келган шахматчиларнинг нафақат мураббийлари балки ота-оналари, дўст-биродарлари ҳам келиб олқишлаб, қўллаб туришининг ўзи спортга, ғалабага интилишнинг халқимиз орасида ажойиб бир одатга, анъанага айланиб бораётганлигидан дарак беради. Шахмат мусобақалари муросасиз ва қизғин курашлар остида ўтганлигини учрашув бош ҳаками А. Мирзаахмедов ҳам таъкидлади.

— Тўғрисини айтсам учрашув шунчалик қизиқарли ва чиройли ўтади, деб ўйламаган эдим. Худди профессионал шахмат мусобақаларини бошқараётгандек туюлди. Ўқувчилар 5-7-синф болаларидан ёш жиҳатдан катта бўлганлиги сабаб беллашувларга жиддий ёндошмоқдалар. Ўзларини бор кучини кўрсатиш учун астойдил интилишади, ғолибликни талашишади, бу эса юртимизда мустаҳкам спортчилар заҳирасини шакллантиради, — дейди бош ҳакам. — Икки кун давомида ўзларининг маҳоратларини намойиш этиб, чиройли ўйинлар кўрсатган жамоалар ичидан Миробод тумани 1-ўринни, М. Улуғбек ва Шайҳонтоҳур туманлари 2-ўринни эгалладилар. Беллашув жараёнида эса чиройли юришлар билан эътибор қозонган Миробод туманидаги 110-мактабнинг 11-синф ўқувчиси, бир неча бор ўсмирлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионати ғолиби А. Филиппов ва Яккасарой туманидаги 48-мактабнинг 11-синф ўқувчиси В. Долженковаларнинг муваффақиятларини таъкидлаб ўтиш жоиз. Мусобақалар давом этмоқда.

Назокат ХОЛМЕТОВА

"ОБИШИР" ЯРИМ ФИНАЛДА

"Қувноқ стартлар" телевизион мусобақалари қизғин курашлар палласига кирди. Куни кеча Марказий ҳарбий спорт клубига келган спорт муҳлислари чорак финал учрашувида Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманидаги 105-мактабнинг "Умид" ва Фарғона вилоятининг Сўх туманидаги 10-мактабнинг "Обишир" жамоаси ўртасидаги кескин ва муросасиз курашнинг гувоҳи бўлишди. Самарқандлик дастлабки учрашувизах вилоят-

Quvnoq startlar

ўқувчилар саралашда Жизнинг "Омад" командаси устидан йирик ҳисобда (25:9) ғалаба қозонишган бўлса, қуръа ташлаш натижасида чорак финалда иштирок этаётган Сўх тумани ўқувчиларининг кескин қаршилигига дуч келишди. Дастурнинг дастлабки беллашувида "Обишир" жамоаси чаққон ҳаракат қилиб, қимматли уч очкони қўлга киритди. Иккинчи ўйинда ("Тўсиқлар оралаб") "Умид" жамоаси ғалаба қозонди.

Хуллас, беллашувда ҳар икки жамоа бир-бирига муносиб "рақиб" эканлигини кўрсатди. Учрашув дастуридаги 11 та ўйин ва конкурс баҳсларида 20:17 ҳисобида ғалаба қозонган фарғонанинг "Обишир" жамоаси ярим финалга чиқди.

F.МАННОПОВ

ШОИР СПОРТ УСТАСИНИ ЕНГДИ

Бу ижодкорлар ўртасида шахмат бўйича Наврўз байрамига бағишлаб ўтказилган турнирда юз берди. Газетамиз таҳрир ҳайъати аъзоси, истеъдодли шоир Саъдулла Ҳаким шахмат бўйича спорт устаси, таниқли шахматчи Акрам Тошхўжаевни мағлуб этди.

"Ҳордиқ" газетаси совриниучун ўтказилган мусобақа ижодкорларнинг шахмат борасида ҳеч қайси профессионал спортчидан кам эмаслигини кўрсатди. Озод Шарафиддинов, Улуғбек Элбеков, Раҳматилла Иноғомов, Аср Мўминов, Насриддин Муҳаммадиев, Баҳодир Муродалиев, Хуршид Дўстмуҳаммад, Саъдулла Ҳаким сингари 15 нафар ижодкорлар икки кун давомида республика шахмат-шашка клубида шахмат тахтаси узра муросасиз кураш олиб бордилар. А.Тошхўжаев энг кўп ғалабага эришган бўлса, У.Элбеков бирон ўйинда ҳам мағлуб бўлмади. Н.Муҳаммадиев энг кўп дуранг ўйнаган бўлса, О.Шарафиддинов фақатгина шогирди Мирпўлат Мирзога ютқазиб қўйди. Тоҳир Мирҳодиев, Суннат Сайдалиев, Шодмонбек Отабоев, Бахтиёр Каримовлар ҳам кутилмаган юришлару комбинациялари, кутилмаган ғалабаю мағлубиятлари билан мусобақанинг янада қизиқарли ўтишига ҳисса қўшдилар.

Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси томонидан уюштирилган шахмат турнирида спорт усталари Акрам Тошхўжаев ва Улуғбек Элбеков 12 очкодан, Аср Мўминов-10,5, Баҳодир Муродалиев-10, Озод Шарафиддинов-9, Раҳматилла Иноғомов-8 очко тўплаб ғолиб бўлдилар. Уларга аталган совринларни мусобақа ҳомийси — "Ҳордиқ" газетаси бош муҳаррири Нуриддин Исмоилов топширди.

"Шахмат ўйнашни билмаганларга ачинаман", — деган эди жаҳон чемпиони Михаил Таль. Жозибадор 64 катак узра рўй берадиган мўъжизалар барча шахматсеварлар, айниқса, ижодкор-журналистлар қалбини тўлқинлантириши, шубҳасиз. Илҳомингизга илҳом қўшилаверсин, шахмат деб аталмиш гўзаллик қалбингизга чуқурроқ ўрнашаверсин, азиз шахматсевар ижодкорлар!

Ҳусан НИШОНОВ,
"Ma'rifat" мухбири

Абдулла Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИда 2003 йилнинг апрел ойида қуйидаги тоифалар бўйича курслар режалаштирилган:

1. Мутахассислиги ўзбек тили ва адабиёти бўлган директорлар курси	2-29
2. Мутахассислиги тарих-география бўлган директорлар курси	2-29
3. Мутахассислиги математика ва информатика бўлган директорлар курси	2-29
4. Мутахассислиги физика ва умумий техника фанлари бўлган директорлар курси	2-29
5. Мутахассислиги рус ва хорижий тиллар бўлган директорлар курси	2-29
6. Мутахассислиги химия-биология бўлган директорлар курси	2-29
7. Мутахассислиги жисмоний тарбия ва ЧЁТ бўлган директорлар курси	2-29
8. Мутахассислиги бошланғич таълим бўлган директорлар	2-29
9. Ёш директорлар (ушбу лавозимда 5 йилгача ишлаётганлар) курси	2-29
10. Қ.Р.Тошкент шаҳар ва вилоят ПҚТМОИ меҳнат таълими, касбга йўналтириш фанлари ўқитувчилари курси	2-15
11. Туман (ш) ХТБ назоратчилари курси	16-29
12. Туман шаҳар методика кабинети мудирлари курси	2-15
13. Туман шаҳар ХТБ бошланғич таълим методистлари учун илғор педагогик технологиялар ва рейтинг тизими жорий этиш бўйича маърузачилар курси	2-15
14. Ёрдамчи мактаб ва кўзи ожиз болалар мактаби меҳнат ўқитувчилари курси	9-29
15. Кар ва заиф эшитувчи болалар мактаб-интернатларининг иқтисод ўқитувчилари курси	7-12
16. Ташхис марказлари раҳбарлари курси	16-29
17. Меҳрибонлик уйлари директорлари курси	2-15

Эслатмалар:

1. Тингловчилар институт меҳмонхонасига жойлашадилар, институт кутубхонаси ва қироатхонасидан фойдаланадилар. Сафар харажатлари институт ҳисобидан тўланади. Йўл ҳаракатлари фақат давлат транспортларининг чипталари асосида тўланади. Курсларда машғулотлар ўзбек тилида олиб борилади. Таниқли педагог олимлар, ДТС, ўқув дастури ва дарсликлар муаллифлари, Республика Маънавият ва маърифат маркази масъул ходимлари машғулотлар олиб борадилар, санъаткорлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари билан учрашувлар ўтказилади ҳамда Темурийлар тарихи давлат музейи, Хотира майдони, «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи, музейи ва бошқа зиёратгоҳларга экскурсиялар уюштирилади.

2. Тингловчининг сафар гувоҳномасида юқорида қайд қилинган курслардан қайси бирига юборилгани ҳамда лавозими аниқ кўрсатилган бўлиши ва режада кўрсатилган муддатда етиб келишлари шарт.

3. А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ қошидаги санаторий-профилакторийга Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар касаба уюшма қўмитаси томонидан берилган пул ўтказилганлигини тасдиқловчи йўлланма ёки бошқа ҳужжат асосида қабул қилинади.

4. Хоҳловчилар профилакториянинг ўзидан нақд пулга йўлланма олишлари мумкин.

Манзил:Тошкент-95, Талабалар шаҳарчаси, Саидов кўчаси, 6-уй.
Траспорт: Шимолий темир йўл вокзалидан 20-троллейбуснинг «Талабалар шаҳарчаси» бекатигача.

Yo tavba! Bor ekan kundaligi. Familiyasi bilan ismidan boshqa hech qanaqa yozuv yo'q. Yap-yangi yaltillab turibdi. Dilshoddan iltimos qilib sana bilan darslarning nomlarini yozdirib oldi-da, ko'tarib obordi kundaligini.

Kremli "militsionerlar" esa, baribir, yeyilishga mahkum etilgan edi...

Ko'ngil bitiklari

ШУКУР

Боғларимга бойлаб гулдаста,
Кириб келдинг ўлкамга Наврўз.
Пойларингга бўлиб пайваста,
Ариқларда бўй чўзди ялпиз.

Само узра турналар қатор,
Қўшиқ айтиб ўтар туну кун.
Диёримга келди, деб баҳор,
Жар солмоқда чучмома гулгун.

Либос кийди баргакдан толлар,
Сарак-сарак қилиб бошини.
Кўлда ҳасса, яктакчан чоллар,
Санашмоқда мучал ёшини.

Махсум РАЖАБИЙ

НАВРЎЗ

Келди, фасл гўзали Наврўзи олам,
Ёзиб-ла ҳар ёна ранг-баранг гилам,
Жон ато этади жумла жаҳонга,
Деҳқонлар меҳридан ёшариб кўклам,
Умид орзуларин ёзар оламга,
Булбул навосига тўйиб орзулар,
Дилларда орзулар умидлар гуллар,
Куёш ороланиб, солланар бугун,
Улуғлаб, қутлашар, Наврўзни шу кун.

Юсупбек ўғли ТОЖИБЕК, меҳнат фахрийси

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими вазирликлари ҳамда республика "Устоз" жамғармаси "Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи" республика танловини

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлов қуйидаги фан соҳалари бўйича ўтказилади:
— гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий
— математик ва табиий-илмий
— умумкасбий
— ихтисослик

ТАНЛОВ ТАЛАБЛАРИ:

— танловга тақдим этилаётган дарслик ва ўқув қўлланмаси Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинганидан сўнг нашр қилинган бўлиши, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълимлар бўйича Давлат таълим стандартларига мос келиши, ўрнатилган тартибда тасдиқланган фан дастурига мувофиқ яратилган бўлиши, миллий истиқлол ғояси ва қадриятларимизни ўзида акс эттириши, таълим жараёнида камида бир ўқув йили қўлланилган ва ижобий тақризлар билан эътироф этилган бўлиши;

— кўзда тутилган таълим тури учун белгиланган ўқув-услубий ва дидактик талабларга тўлиқ жавоб бериши;

— Халқ Олий ва махсус таълим вазирликлари грифи билан нашр этилган бўлиши;

дарслик ва ўқув қўлланмаси мазмунан янги, тегишли фаннинг сўнгги ютуқларини қамраб олган ҳамда аниқ ва равшан тилда ёзилган бўлиши;

— матбаа стандартларига жавоб бериши;

— тақдим этиладиган дарслик ва ўқув қўлланмаси илмий, ғоявий ва тарбиявий мазмуни жиҳатидан Ўзбекистон маънавий ва этнопсихологик мероси, ижтимоий-иқтисодий тараққиётини чуқур англашга кўмаклашиши лозим.

Танловда тасарруфидан қатъий назар, таълим ва илмий тадқиқот тизимига тааллуқли барча таълим ва илмий муассасалар, вазирликлар, қўмиталар, идоралар ҳамда айрим олимлар ва педагоглар, амалиётчилар иштирок этишлари мумкин.

Олдинги йиллари шу танловда қатнашиб, "Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиётлари муаллифлари" республика танлови ғолиблари бўлган ўқув адабиётлари танловга тавсия этилмайди.

Танловга дарслик ва ўқув қўлланмаларининг 2 та асл нусхалари йўлланма хат ёки ариза ва тақризлар билан қабул қилинади.

Танлов ғолибларига қуйидаги мукофотлар белгиланган:
1-мукофот (I даражали диплом ва 50 баробар энг кичик маош)
2-мукофот (II даражали диплом ва 25 баробар энг кичик маош)
3-мукофот (III даражали диплом ва 15 баробар энг кичик маош)

Танлов ғолибларининг дарслик ёки ўқув қўлланмалари 2-чи ва ундан кейинги нашрдан чиққан тақдирда, уларга илмий унвон ва илмий даражалар беришга тавсия қилинади.

Танловга қабул қилинган адабиётлар рўйхати 2003 йил 15 августгача, танлов натижалари эса 2003 йил 1 октябрда, "Ўқитувчилар ва мураббийлар куни"да оммавий-ахборот воситалари орқали эълон қилинади.

Дарслик ва ўқув қўлланмалар тегишли ҳужжатлар билан жорий йилнинг 1 августигача танлов комиссиясига тақдим этилиши зарур.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Пахтакор кўчаси 3-уй. Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти Телефон: 144-01-11, 144-89-64

"ШОҲМОТ" БОШҚОТИРМАСИ

А) Фарзин юришида ҳар бир катакда бир мартадан юриб, ҳарфларни қўшиб ўқиб чиқсангиз ажойиб ҳикматли сўзни билиб оласиз.

	.	З	И	С	Қ	А	А
Д	М	К	Л	О	Х	В	И
А	Н	Ў	И	Л	К	Л	Х
У	Қ	И	М	И	Л	А	Б
Й	И	И	И	И	К	К	:
Д	Г	К	С	М	Г	Е	А
А	К	И	Л	Л	А	И	Р
И	Ҳ	А	Т	Б	Ў	С	Л

Б) От юришида ҳар бир катакда бир мартадан юриб, ҳарфларни ўқиб чиқсангиз Ҳадиси шарифни билиб оласиз.

Ҳ	А	А	Л	И	К	
М	И	Н	М	К	Қ	А
Ж	О	И	Й	Ё	З	О
К	Р	Е	А,	О	Ҳ	Т
Р	С	К	М	Д	Р	Ш
Ў	Т	И	А	Ў	Д	И
.	Қ	Л	А	К	Ш	Б

Тузувчи: Салимжон БАДАЛБОЕВ.

ҚЎНҒИРОҚ ЧАЛИНГУНЧА

(Дам олиш саҳифаси)

Салимни тепмасидан ўн беш кунча олдин Халил акани мактаб бўйича энг тўполончи 8-"А", яъни бизнинг синфимизга раҳбар қилиб тайинлашди. Халил ака ўзи ёмон одаммас. Жуда камгап. Унинг устига боқибеғам. Биров коридорда сигарет чекадими, ё мактабнинг бурчакларига биқиниб олиб, карта ўйнайдими иши йўқ. Жўғрофия хонамизнинг бир чеккасига каттакон дунё харитаси осиб қўйилган. Ўша харитани кўрсатадиган таёққаси бор. Шуни кўтариб олади-да, лапанглаб, ўтиб кетаверади. Ёши олтмишдан ошган бўлса керак. Мактабимиз директори Саида опа жуда жаҳлдор аёл. Бутун ўқитувчилар унинг ёнида қалтираб туришади. Болаларни айтмасаям бўлаверади. Саида опанинг номини эшитган ҳамон оғзига мум тиқиб олишади. Лекин, шу Саида опаям Халил акага индамайди. Ёшини ҳурмат қилса керак. Халил ака синфга кираги-да, столига ўтириб, синф журналини номига очиб қўяди. Кейин битта-яримта аълочироқ қизни доскага чиқариб, китобдан темани ўқиттиради. Тинғир-пинғир, минғир-синғир билан иши йўқ. Пинакка кетиб ўтиради. Энди агар шовқин жуда кучайиб кетса, ё бир "ада-аб" деб бўкиради қўяди, ёки синфга разм солиб чиқади-да, худди оёғини чигил ёзди қилаётгандай бўлиб, тўполончиларга яқинлашади. Қўлида таёққаси. Ўша пайтда ҳушёр бўлсанг қочасан-қутуласан. Йўқса, ёнингга келгандан кейин таёғини биқинингга чунонам суқадики, додлаб қоласан. Шунинг учун мен доим ўрта қаторнинг охирги парталарида ўтираман. Қочишга қулай. Халил ака қаёқ томондан келса, тескарисидан қочаман. Аълочи қиз мавзуни ўқиб битиргандан кейин: — Саволлар борми? Саволлар? —деб минғиллаб қўяди. Бир куни, ҳали бизга синф раҳбари бўлмасидан олдин, одатдагидай "Саволлар борми?" деб сўради-да, ҳеч ким ҳатто қайрилиб эътибор бермаганидан энсаси қотиб:

— Тушунган одамда бўлади-да, савол, — деб тўнғиллади. Буни учинчи қаторнинг охирида ўтирган Дилшод, маҳалладошим (Синфимиз ўзи ҳаммаси қорамошликлар. Тувалоқдан адашиб мен билан Дилшод буларнинг орасига тушиб қолганмиз. Халил акаям ўзимизнинг маҳалладан. Мендан анча узоқроқ, лекин Дилшоддан ўттизтача ҳовли нарида туради) эшитиб қолган экан.

— Менда савол бор, Халил ака, — деб шанғиллаб қолди.

Майнавозчилик қилмоқчилигини мен дарров билдим. Лекин Халил ака сезмабди, юзлари бир ажойиб ёришиб:

— Қани, эшитайлик, Ҳамидов, — деди.

— Самовар нимадан пайдо бўлган?

Ёришиб турган Халил акани юзи бир пасда тиришдиқўйди:

— Сен нимадан пайдо бўлган бўлсанг — шундан. Тузукми?

Қайтага ўзи бутун синфга масхара бўлгани алам қилган Дилшод: — Ўзингиз нимадан пайдо бўлгансиз? — деб бақирди.

— Падарлаънат, — бўкирди Халил ака ўрнидан сакраб, лекин соатига қараб бирдан жимиб қолди. Апил-тапил журнал билан таёққасини йиғиштирди-да, эшикка қараб юрди. Дилшод: — Падаримни нимага қўшасиз? Падарим сизга нима қилди? — деб шанғиллаган пайт жаранглаб қўнғироқ чалинди. Халил ака эшикнинг тагига бориб олган. Ҳаммани битта-битта ўтказяпти. Шу маҳал Дилшоднинг калласи яхши ишлаб қолди. Уч-тўртта бола эшикни ёнида тиқилган пайтини пойлаб турди-да, югуриб келиб шартта ўзини тўдага урди. Болалар гандираклаб Халил акага урилишди. Оқибатда Халил акаям гангираб қолди. Вазиятдан тўғри фойдаланган Дилшод коридорга чиқиб, мингга қўйди. Халил ака қувламади. Билади, фойдаси йўқ. Лапанглаб беш қадам босгунича, энг секин чопадиган болаям бир километр нарига етиб олади.

Бу воқеа анча илгари бўлган. Ҳозир Халил ака яхшигина ўзгарган. Бизга синф раҳбари қилиб тайинланганидан бери меҳрибон бўлиб қолган. Маслаҳатлар қилади биз билан. Ақл ўргатиб туради. Ишқилиб ўзгарган. Салимни тепмасидан бир соат олдин ҳам кайфияти ёмонмас эди. Одатдагидай синфга кириб, столига ўтиргач, журнални очди-да оғзини тўлдириб: — Азизов, — деди.

—Нима?

Халил ака қўли билан имлаб мени ёнига чақирди. Партамдан туриб, секин олдига бордим. Синф журналининг устидаги маркаларга кўзим тушди.

— Ҳм-м. — дедим.

Халил ака индамай калласини лиқиллатди.

— Неча пул экан?

— Ўн тийин.

— Э-э, беш тийинлигидан олмабсиз-да, — деб тўнғилладим. — Ўттиз тўққизтаси... уч сўм тўқсон тийин бўладими? Қаттан ҳозир мен сизга шунча пулни йиғиб бераман?

— Ўзинг амалла, Азизов. Болаларга сенинг гапинг ўтади.

"Ишингиз тушмас экан-а" дедим ичимда. Бундан бир ой илгариям: "Чақагинг ўчсин, Азизов", "Йўқол дарсдан Азизов". Энди "Амалла, Азизов"-миш.

— Бўпти, ҳаракат қиламан, — дедим-да, гадойнинг тўрва халтасидай иккита қўлимни ҳовуч қилиб, партама-парта айланиб чиқдим. Қизларнинг ҳаммаси берди. Битта-иккита пули йўқларига дугоналари тўлаб юборишди. Болаларнинг қайсиси берди, қайсиси беролмади. Ишқилиб, икки сўм тўқсон тийин пул йиғиб чиқибман.

— Қолганиниям йиғиш керак, — деди Халил ака.

— Қаттан йиғаман, пули йўқ бўлса?

— Амаллагин, Азизов.

Бирпас бошимни қашидимда, тусмоллаб:

— Ёнимда ўттиз тийин бор, — дедим. — Лекин бу ҳаммомнинг пули. Ҳали дарсдан кейин ҳаммомга тушишим керак.

Халил ака қўли билан "бербер" деб ишора қилди.

— Берсам... Ҳаммомни нима қиламан кейин?

— Амаллайсан.

— Майли, бераман, лекин... беш қўясизми?

Халил ака калласини лиқиллатди. Чап чўнтагимдаги тангаларни чиқардим. Қоғоз пулим бошқа чўнтакда. Униси ўзимга керак.

— Бўпти, — дедим. — Қўядиган бешингизга қараб қолган жойим йўқ жа. Лекин айтиб қўяй, ўша ярамас, маркани деб мен ҳаммомдан қолянман. Шунинг учун беш қўйишингиз шарт.

Халил ака яна калласини лиқиллатганча, қўли билан "жим-жим", деб ишора қилди. Ҳеч ким билмасин, орамиздаги гап, демоқчи шекилли. Бу ёқдагилар ахмоқ экан-да, ҳамма нарсани кўриб, эшитиб турса-да, ҳеч нарса билмаса. Ичимда "менга нима?" деб энди кетишга тушувдим, Халил ака:

—Қолганиниям амалла, Азизов, — деб қолди.

— Қаттан амаллайман, — дедим. — Мен сизга, нима, кассаманми?

Халил ака бурнини жийирди:

— Ҳамидовдан ол. Адаси қассоб.

— Ҳамидов? Ҳамидов бекорга бермайди, — дедим-да шубҳаланиб Халил акани кўздан кечирдим. Кейин ортимга қайрилиб, ўзининг яхши кўрадиган жойида ўтирган Дилшод билан Салимнинг ёнига бордим. Ёни-веридаги қизларга гап суқиш билан овора,булар бўлган гапни эшитишмаяптиям. Шунақа-шунақа, деб вазиятни тушунтирдим.

—Гап йўқ, мен бераман, — деди Дилшод. — Фақат ҳаммасинимас, ўттиз тийин бераман.

—Қўймаса-чи, — ишонқирамади Салим. Саккиз йил ўқиб, умрида битта аъло баҳо олмаган бола-да. Жуда беш олишни хоҳлаб қолди бирдан.

— Қўявер, Салим, — секингина, ҳиринглади Дилшод. — Қўймаса мен ўзим боплайман бу кўзачани.

Кўзача — Халил аканинг лақаби. Ким бунақа лақаб қўйган? Нимага? Ҳеч ким билмайди. Лекин лунжларини осилтирганда, башараси ғалати нарсаларга ўхшаб кетиши бор.

—Отанг тенги одамни кўвача дейишга уялмайсанми, Дилшод? — дедим мен ҳам секингина афтимни тириштириб.

—Қисқаси, берадиган бўлсаларинг чиқарларинг пулни, — дедим. Иккаловиниям рози қилиб пулини олгач, дарров Халил акага оборибердим.

— Ярмини Султонов берди, — дедим қўлим билан журналга ишора қилиб. Сўнг жойимга қайтдим. Янги мавзу ҳам ўқиб битирилди. Баҳо қўйишнинг гали келди.

— Азизов, доскага чиқ, — деди Халил ака.

— Терсайиб доскага чиқдим-да, хўмрайдим.

—Мен тайёрланмаганман.

Халил ака қўли билан "жим-жим" деб ишора қилдида таёғини узатди.

— Харитадан билганингни кўрсат.

— Ҳм-м. Манови Америка. Наригиси Канада. Ҳув анавиниси Австралия. Яна нимани кўрсатай?.. Бу ёқда Қора денгиз...

— Бўлди. Ўтир. — Халил ака журналга энгашди.

Қизиқиб, яқинроқ бориб, елкасидан ошиб қарадим. Фамилиям биринчимасми? — Рўпарасида пориллаган янги беш кўринди.

"Ўттиз тийинни ҳаққи шу экан-ку", дедим ичимда.

Мендан кейин Халил ака Дилшодни доскага чақириб:

— Нимани биласан? — деб сўради.

— Э, мен кўп нарсани биламан, Халил ака.

— Каспий денгизи қаерда?

— Каспий денгиз? Кавказда! Шуниям билмасам энди...

— Кўрсат, — Халил ака таёғини узатди.

— Мана, — деди Дилшод таёқни харитага ниқтаб.

— Бўлди. Ўтир. Султонов, доскага чиқ.

Салим менга бир қараб қўйиб, секин доскага чиқди.

— Харитани биласанми? — деди Халил ака.

— Мм... Биламан.

— Билсанг, ма, — таёғини узатди. — Ҳиндистонни кўрсат.

Салим серрайганча харитага тикилиб қолди. Агар ўқишни билганида, каттакон бўлиб турган "Ҳиндистон" деган ёзувни топган бўлармиди балким? Салим ҳарфларни танийди, лекин бир-бирига қўшолмайди. Бир куни, ўзининг уйида, бир нарсани ўрашга керак бўлган шекилли, деразада турган газетага ишора қилиб адасидан: — Анови газет сизга керакмасми? — деб сўрабди.

— Числосини қара, қачонги экан? — дебди адаси.

Салим газетани олиб, бошқа хонада магнитофон эшитиб ўтирган, ўзидан олти ёш катта акаси ёнига бориб: — Ока, манавини числосини кўриб беринг, — дебди. Акаси ётволиб кулибди-да:

— Мактабингда нимани ўргатяпти сенга? Ўн беш ёшдасан, шуниям билмайсанми? — дебди.

Ҳозир ҳам, ана, Ҳиндистонни харитадан тополмай турибди. Агар нияти беш олиш бўлмаганида, доскасигаям чиқиб ўтирмасди. Партасини ёнидан қимирламай ён-веридагиларга қараб: — Ўзларинг айтларинг, қисқаси, мен ҳеч нарса билмайман: — деб қўя қолган бўларди. Халил аканинг энсаси қотганидан, пешонаси тиришиб:

—Ўзбекистонда нечта катта дарё борлигини биласанми? — деб сўради.

Салим дарров менга қаради. Мен иккита бармоғимни кўрсатдим.

—Иккита, —деди Салим.

—Қайси, қайси?

Салимнинг жавоб беролмаётганини кўрган биринчи партадагилар пичирлашга тушишди. Салим "нима?" демоқчи бўлиб лабини қимирлатиб, қошини чимирди.

— Амударё, Сирдарё, — яна пичирлашди бу ёқдан.

— Сирдарё билан Амударё, — деди Салим комил ишонч билан.

Кулги босилгандан кейин, Халил ака Салимдан таёғини қайтариб олди-да:

— Нимани биласан, ўзи? — деб сўради.

Салим индамади.

— Сендан сўраяпман. — Ўбу нарсани биласанми ўзи?

— Мен қирқ тийин берганман, — деди Салим ўқрайиб.

— Ўтир.

Салим қайтиб келиб партасига ўтирди-да, бирдан папкасини ковлашга тушди. Бир маҳал кундалик чиқариб қолди. Ё тавба! Бор экан кундалиги. Фамилияси билан исмидан бошқа ҳеч қанақа ёзув йўқ. Яп-янги ялтиллаб турибди. Дилшоддан илтимос қилиб сана билан дарсларнинг номларини ёздириб олди-да, кўтариб оборди кундалигини. Халил аканинг пешонаси яна тиришди. Лекин илож йўқ, баҳони қўйиб берди. Салим, оғзи— қулоғида, кундаликни қайтариб олди-да, орқасига қайтаётиб, ичига бир назар солди-ю бирдан башараси қийшайди.

— Бешмас-ку, — деб бақирди. — Тўрт қўйибсиз-ку.

Халил ака лунжини осилтирди.

— Бешни анови иккитасига қўйиб сенга қолмади.

Салим партасига ўтирди. Кундалигига ниҳоятда ачиниб қаради-да: — Кўвача, — деб тўнғиллади.

Шу билан дарс ҳам тамом бўлди. Ҳовлига чиқиб, футбол майдонининг чеккарогида сигарет чекиб турувдик. Дилшод, мен, Салим, яна бириккита синфдошлар. Халил ака чиқиб қолди. Синф раҳбари ҳар ҳолда. Ҳурматини қилиб, сигареталарни беркитдик. У-бу нарсаларни маслаҳат қилдик. Бу ёқда биринчи чорак тугаяпти. Бу дегани ўн кунлик каникул. Синфни майда-чуйда ремонти бор. Унга пул йиғиш керак. Ундан кейин, таътил пайти биргалашиб театрларга бориш мумкин. Хуллас, режалар кўп. Шуларни гаплашиб, ўртоқлардек маслаҳатлашиб турибмиз. Худди шу пайт, Халил ака Салимнинг думбасига қараб, қанқиллатиб тепиб қолди. Салим гангираб, ўзига келгунча, қайрилиб, шартта жўнаб қолди. Нарироқдаги скамейкага бориб ўтирди-да, чўнтагидан носқовоғини олди. Кафтига нос тўкиб, озгина эзгилади. Кейин тилини тагига отиб, пинакка кетди.

Нима бўлганини ҳеч ким тушунолмай қолди.

Халил аканинг ўзидан мен уч марта сўрадим.

— Халил ака, Султоновни нимага тепдингиз? Ҳайрон бўляпти. Ҳеч нарса қилганим йўқ, ўзларидан-ўзлари тепдилар деяпти.

Халил ака бурнини жийирди.

— Керишма десам, керишади.

— Салимга: — Керишибсан-ку, — дедим.

— Керишганим йўқ. Ўзларинг ҳам бор эдиларинг. Қачон керишдим? Яна бордим Халил аканинг ёнига.

— Керишганим йўқ, деяпти-ку, Халил ака.

— Керишди, — Халил ака яна бурнини жийирди.

— Керишганмишсан, — дедим.

— Ҳеч қанақа керишганим йўқ. Ҳаммамиз шу ерда эдик. Ўзингам бор эдинг. Кўрмадингми?

— Кўрдим, — дедим. — Лекин мен балким чалғиб кўрмай қолгандирман. Ўша пайтда, ўзинг ҳам билмай керишиб қўйгандирсан? — дедим Салимга.

— Керишганимни ўзим билмайманми?

Учинчи марта яна бордим.

— Халил ака, — дедим. — Менга ўзи барибир. Лекин ҳамма ҳайрон бўляпти. Нимага тепганингизни ҳеч ким тушунмаяпти.

— Бир марта керишди. Керишма, дедим. Яна керишди. Кейин тепдим. — Халил ака оёғи билан қанақа қилиб тепганини кўрсатди.

Қайтиб келганимдан кейин, Салимга бармоғимни бигиз қилиб: — Қисқаси, бу — керишган, — дедим.

— Керишгани йўқ, — деб чувиллаб кетишди болалар. — Сен яхшилаб сўрагин:

Жаҳлим чиқди.

— Мен сенларга даллол эмасман, ўзларинг сўра. Мен уч марта сўрадим.

— Биз сўрасак айтмайди. Сен синфбошисан.

— Ифлос кўвача, — деди Салим. — Мен нима қилдим унга?

—Мен ўзим сўрардим-у, — анови ишдан кейин Халил ака мен билан чап бўп қолган, — деди Дилшод қайнатган самоварини эслаб.

Ҳадеб битта гап айланаверганидан, меъдам қайнади.

— Менга қараларинг, — дедим. — Мен сенларга битта гап айтаман! Халил акани нима учун бизга синф раҳбари қилишди? Чунки Васила опа, олдинги раҳбаримиз, декретга чиқиб кетди. Тўғримми?

— Тўғри, тўғри.

— Халил аканинг ўзи ким? Ана, Дилшодни адасидан сўрасаларинг, айтадилар. Ёшлигида ғирт уртўқмоқ, безори бўлган экан. Хўп, энди биза киммиз? Бизаям хулқи ёмон тўполончимиз. Шунинг учун Салим, сен кўп сиқилма. Еган бўлсанг, ўзимизга ўхшаган битта одамдан калтак ебсан. Ёшини ҳурмат қилгин-да, у ёғини эсингдан чиқар.

Салимдан бошқа ҳаммага гапим маъқул тушди.

— Кейинги сафар пул сўраса, ҳеч қайсинг бермайсанлар, — деган шарт қўйди у. Ҳаммамиз рози бўлдик. Нимага деганда, энг кўп пулни боя Салим берди. Қалтакниям у еди. Алам қилади-да. Тезроқ юпаниши учун биз шартига рози бўлдик.

Xullas...

ЎҚУВ ҚУРОЛИ ЭКАН...

Краснояр ўлкасининг Ачин шаҳрида товламачиликнинг бир кўринишига нуқта қўйилди. Қўлида граната ўйнатиб турган укадан акаси 150 минг рубл талаб қилди. Агар у бу пулни топиб берса, ҳеч қандай текширув, тинтув учун хабар қилмайди.

Ука бош тортди. Шунча пулни қаердан ҳам топиб берсин? Акаси милицияга қўнғироқ қилгач, уйни осойишталик посбонлари ўраб олишди. Беш қаватли уйда яшовчилар бошқа жойга кўчирилди. Қисқаси, бутун туман аҳолиси бундан огоҳ этилди.

Ука билан олиб боришлажак музокара учун кўп вақт керак бўлмади. Уни алдаб-сулдаб, қуролни қаердан ва кимдан олганлиги ҳақида сўраб-суриштириш милиция ходимлари ўйлаганчалик ечим билан тугамади. Граната ҳақиқий эмас, балки мактаб учун мўлжалланган ўқув қуроли экан.

Энди боланинг акасини товламачиликда айблайдиган бўлишди. Ака бу гранатанинг ўқув қуроли эканини билмай, уларга хабар берганлигини айтиб вазиятдан чиқиб кетиши мумкин эди, аммо у укасидан 150 минг рубл талаб қилган. Яъни, у "ўйин" қилмоқчи эди, лекин бу ўйин билан укасига эмас, балки ўзига "бало" орттирди.

АРОҚ ЎРНИГА КОКТЕЙЛЬ

"Washington Profile" агентлигидан тарқатилган хабарда таъкидланишича, АҚШда спиртли ичимликлар савдоси анча ошиб бораяпти. Бу — ташвишланарли ҳол, албатта. Агар Америкада биринчи ароқ 1934 йилда ишлаб чиқарилган бўлса, 60-йилларга келиб, у оммавий тарзда истеъмол қилинадиган ичимликка айланиб кетди. 1962 йилда "Доктор Но" фильми экран юзини кўрганида, бош қаҳрамон Жеймс Бонд ароқ ўрнига коктейлни тарғиб қилгандек бўлган.

Ҳозир мамлакатда ароқ савдоси авж олсада, "Бурав"; "Кровавая Мэри", "Черный Русский" каби коктейллар ҳам расталарда тўлиб-тошган. Танлаш ҳар кимнинг ўзига ҳавола. Албатта, ақлли одам коктейлни харид қилади.

ТОРТДА... МИЛИЦИОНЕРЛАР ҲАЁТИ

Турли тилда "Туғилган кунингиз билан!", "Байрамингиз билан!" деган ёзув қандолат маҳсулоти — тортда учраши одатдаги ҳол. Аммо ширинликда қандайдир манзараларнинг акс эттирилишига дуч келмагансиз.

Саратов вилояти ички ишлар бошқармасида хизмат қилувчи хотин-қизларга байрам совғаси сифатида тақдим қилинган тортда милиция ходимлари ҳаётидан кўриниш тасвирланган эди. Тортларнинг бирида милиция ходими постда ўтирибди, иккинчисида жиноятчи қўлга олинаётган пайт, учинчисида "чест" бериб турилган ҳолат ва ҳоказо.

Бир-биридаги "саҳна" кўринишларидан фарқланувчи тортни олиб, саратовлик милиция ходимлари уни ейишга ҳам кўзлари қиймайдигандек, анча вақт томоша қилиб ўтирдилар. Кремли "милиционерлар" эса, барибир, ейилишга маҳкум этилган эди...

ana shunaqa gaplar

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир: Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖЎНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-210.
Тиражи 32240 Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2

Навбатчи муҳаррир: Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ.
Навбатчи: Ғафур ЖАБИЕВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.
Таҳририятга юборилган материаллар муаллифга қайтарилмайди.
Ⓜ белгиси остида реклама материаллари берилади

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
E-mail: marifat@ars-inform.uz
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, олий таълим янгиликлари бўлими, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —136-55-58, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт янгиликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, реклама ва тарғибот бўлими — 136-54-69.

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти—21.00.
Топширилди — 22-00